



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 27-iyun • №26 (4269)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келадиган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан

ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоман тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасида кенг қўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу қўллуғ ойда амалга оширилган тадбирларни, эҳтиёж-

манд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳалла-ларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 июнь

КЎНГИЛЛАРГА САФО ЕТГАЙ

Инсониятга дахлдор бирор масала йўқки, ҳазрат Алишер Навоий ижодида унга ечим топилмади. Буюк мутафаккир адабий мероси, таъбир жоиз бўлса, одам болаларига камолга эришмоқ йўлини кўрсатувчи ўзига хос дастуриламалдир. Ҳазрат асарларини мутолаа этиб, ундаги ҳикматларга ихлос билан амал қилган одам камолга етмай қолмайди. Ихлосдан йироқ кимсга эса, ундан баҳрамандлик йўқ.

Улуғ бобоқалонимиз рўза ҳақида ҳам ўқувчини тафаккурга ундайдиган, кўнгилларга нур улашадиган ҳикматларни ёзиб қолдирган.

Энг муҳими, бу йўналишдаги газаллар ҳам бадийят жиҳатидан юксак. Бу фазилат барча замонлар ижодкорларига ўрнак бўлгулиқдир. Зеро, гап мавзуда эмас, санъаткорликнинг даражасида, истеъдоднинг миқёсида.

Ҳазрат Навоий ёзди:

Рўза зафидинки чиқмас ўлдин ўлмиш моҳи нав,
Заф кўрилгим, тўлун ойимни айлантур ҳилол.

Байт замирида теран мантқам ҳам, энгил мутуйба ҳам бор. Байт мазмуни: рўза машаққати натижасида юзга келган заифлик янги ойнинг кўринмай қолишига сабаб бўлди. Заифлик тўлун ойимни ҳилолга айлантирибди. Аслида, ёрнинг тўлун ойга менгзаши эътиборга молик бўлгани сингари ҳилолга ташбеҳ этилиши ундан кам бўлмаган даражада аҳамиятлидир.

Шом ва субҳ тазоди орқали оқорли фикрнинг гўзал поэтик ифодасига эришилган мана бу байт ҳам муаллифининг юксак маҳоратида далил бўла олади: Элга шом ўлмиш, Навоийга юзундин субҳ эрур

Ким, соғинсун рўза шомини, бор эгач субҳи висол.

"Авлиёларнинг авлиёси" бу байтда "субҳи висол" метафораси воситасида теран ирфоний мазмунни бетакор бадийят орқали ифодалаганини кузатиш мумкин. Зеро, эл шомга дохил бўлган эса, ошиқ Ҳақ васлига эришган. Буюк шоир бу ҳолни субҳга ташбеҳ этади.

Аслида, рўзадор рўза шомини орзиқиб кутади. Негаки, унда ифтор қувончи бор. "Субҳи висол"га

эришган чин ошиқ эса ана шу зоҳирий қувонччи ҳам унутади. Негаки, рўзадан ҳам, бошқа барча ибодатлардан ҳам кўзда тутилган асл муддаого эришган.

Ана шундай ирфоний моҳиятни гўзал бадий шаклда талқин этган буюк шоир зоҳирда ўзини рўза тутгандек кўрсатиб, аслида бу улуғ ибодат лаззатидан мосуво бўлган "шайх"ларни қоралайди.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзини рўза деб, жуҳҳолдин
Асру қўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.

"Тавр" луғатда "сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин; одат, қилиқ, усул, тартиб"

маъноларини англатади. Улуғ шайхларга ҳурмат юзасидан ушбу байтдаги радифини — яъни

"шайх" сўзини қўштирноқда бериш мантқан тўғрироқ бўлади. Зеро, ҳазрат Навоий байтда ҳақиқий шайхларни эмас, "шайх"ликни касб қилган кимсаларни қоралаган. Улуғ мутафаккир наздида зоҳирий "шайх"лар хилватда еб-ичиб оладиган ҳўжа кўрсинга ўзини рўзадор қилиб кўрсатади. Энг ёмони, бунинг натижасида кўп жоҳилу нодонни ўз сурати ҳолига шайдо қилишга ҳам муваффақ бўлади.

Улуғ мутафаккир яна бир ғазалининг мақтабида мана бундай сўзларни ёзганлар:

Эй Навоий, кўнгулга етмас риёзатсиз сафо,
Кулба равшан истасанг ҳасрат суйдин рўза оч.

Яъни кўнгулга риёзатсиз сафо — ёруғлик, хурсандчилик етишмас. Кўнгул кулбасини равшан қилмоқ истоган одам рўзани ҳасрат суви билан очмоғи зарур.

Дарҳақиқат, риёзат чекмаган кўнгулга ёруғлик инмагай. Машаққат чекмай туриб саодатга эришмоқ душвор. Муборак рамазон ойининг рўзаси ана шундай толега муяссар этувчи ўзига хос риёзатдир. Бу ойнинг ҳурматини муносиб даражада адо этиш кўнгилларда ҳазрат Алишер Навоийдек улуғлар йўлига интилиш туйғусини пайдо қилади. Улуғлар йўлига пайравлик эса саодатдан нишондир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси томонидан юртимизнинг турли вилоятларида Адабиёт байрамлари ўтказиб келинмоқда. Бугунга қадар минтақавий шаклда ўтказилган ана шундай тадбирлар тўрт худудда — Эллиқалъа, Шаҳрихон, Термиз ва Навоий шаҳарларида бўлиб ўтди.

Янгийўл шаҳрида ўтказилган навбатдаги "Адабиёт байрами" доирасида ёш ижодкорларнинг "Истеъдод мактаби — 2014" минтақавий семинари ҳам бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида истиқомат қилувчи жами 32 нафар ёш ижодкорлар, катта авлодга мансуб шоир ва адиблар иштирок этишди.

Анжуман Янгийўл шаҳридаги "Навоий гулшани" боғида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али ҳамда Янгийўл тумани ҳокими Равшан Норбўтаев адабий анжумани очиб беришди.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлиmlарида

"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" деган дастуриламал китобида Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш, истеъдодларни топиш, тарбиялаш ташаббуслари рўй-рост белгилаб берилганини кўрамыз. Уюшманинг "Истеъдод мактаби" Республика ёш ижодкорлар семинари иқтидорли ёшларни рўёбга чиқаришда ўзига хос "чўқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм" деб беамалол айта оламиз. Ўтган йилги ўтказган семинарларимиз натижасида ёшлар

римизнинг ўн та китоби чоп қилиниб, мамлакатдаги коллеж ва мактабларга бепул тарқатилди.

Семинарда бадий ижоднинг барча жанрлари, назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадий публицистика ва бадий таржима каби жами олти йўналиш бўйича муҳокамалар ҳамда қизиқарли мулоқотлар ўтказилди. Уларни таниқли шоирлар ва адиблар, драматурглар ва таржимонлар, публицистлар, тажрибали ижодкорлар олиб бордилар. Машгулотларнинг қизгин ва кўтаринки руҳда ўтгани, ёш ижодкорларнинг анжуман ишига талабчанликни ҳис этиб, масъулият билан ёндошганлари барчани мамнун этди.

Шуёбаларда бахслар, таҳлиллар, маҳорат дарслари қизгин давом этди. Ундан сўнг Янгийўл туманидаги бадий-ҳаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Тадбир таниқли шоирлар ва ёш ижодкорларнинг Истиклолимизнинг 23 йиллигига бағишланган мушоираси билан якунланди.

Ахборот хизмати.

27 июн — ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



СУРАТДА: ЎЗМУ журналистика факултети магистранти, Президент стипендияси соҳиби Бобур Обидов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети талабалари, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси Кумар Бегниязова ва Ирода Муҳиддиновалар эзгу ният ва мақсадлар йўлида билим олишмоқда.

Рустам НАЗАРМАТОВ олган сурат.

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис сенати аъзоси

ҚАЛАМДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

Назидмда икки нарсаси инсоннинг жонига тегмайди.

Яъни, бу икки неъматга одамзот ҳаммаша ташна яшайди.

Биринчи — нон ва сув. Иккинчиси кўнгул таоми, илму ҳикмат.

Чунки одам бир таомни бир неча кун эса кейин кўнгул тортмай қолади. Ташналикда сув, очикқанда нон эса доимий суюмлик неъматимиздир. Кўнгул неъматидеганимиз илму ҳикматда ҳам ана шу жозиба, ана шу оҳанрабо борки, бу неъматга тўйинганинг сари онгу тафаккуринг тиниклашиб, вужудингда иштиёқ, жисмингда куч пайдо бўлади. Яратнинг, яшнатнинг, эзгуликнинг этагидан туттинг келади.

Шу боис тонгда иссиқ нон харид қилгани уйдан, чиққан кўнгул бедор инсонлар, албатта, нон билан бирга янги газеталарни ҳам олишади. Демак қорин тўқлиги жисму жонимиз учун, кўнгул тўқлиги тиник ақл, тийрак назар, уйғоқ дил учун. Зеро, уйғоқ дил билан оламу одамга боққан киши нафақат ўзини, ўзгаларни ҳам ғафлат уйқусидан уйғота олади. Чунки айтадиган сўзинг бўлиши учун сenga айтилган сўзларни фарқлай билмоқ, ажодлардан қолган маърифат чашмасидан қониб ичмоқ даркор. Боиси сув сувга, нур нурга йўл очади.

Қўлида қалами бор одамни, албатта, дилида нури бўлади. Шубҳасиз, кўзданги нур кўзга, дилдаги нур дилга боради. Биз журналистлар чин маънода бахтли касб соҳибларимиз. Чунки сўздан иморат курамыз, сўздан бог яратамиз. Агар унинг пойдевори илму ҳикматга, таҳлилу тадбирга қурилган бўлса, бу иморат нурамаслигини, бу бог ҳазон кўрмаслигини ҳам яхши биламиз. Гоҳида бир сўзни айтиб қўйиб, гоҳи бир битикини қоралаб қўйиб, ўзи

миз лолу хайрон бўлиб: «Наҳотки, шунини мен ёздим?» дея ҳайратга тушган пайтларимиз ҳам бўлиб туради.

Ана шу истеъдод Яратган ато этгучи неъмат эканини, шу неъмат нури биздан ҳам таралиб турганини ва ундан кимлардир баҳраманд бўлаётганини ҳис қилиб яшаш касбимиздан топган бахтимиз бўлади. Бу бахтнинг нони беминнат. Дехқон кетмон урганда пешонасидан тер томса, журналистнинг, ижодкорнинг тери кўнгулга томади. Аслида бу дунёнинг жами ихтиломи унга кўнгулларда яуз очади. Ақиллари англа чироқ тутади, ҳавасу орзуларимиз йўлга чорлайди. Биз юртнинг йўлларига чиқамиз.

Шукурим, тупроқ билан тиллашадиган, гул билан гурунглашадиган, оловдан ор оладиган, шамолнинг шаклини кўроладиган яратгучи, бунёдкор халқимиз бор. Бир кун райхонига сув сепмаса бемордек безовта бўладиган момоларнинг, ҳар ниҳол пойидаги жўяларни тарашламаса тажанд бўладиган боболарнинг фарзандларимиз.

Тилаги яратган мевасидек ширин бог-бонларнинг, нияти кетмонига нур сочиб турган деҳқонларнинг, «Бизнинг кудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг», дея ҳазрат Темир бобимизнинг руҳларини шод этаётган қўли гул қурувчи халқнинг куйчиси бўлиш, журналисти бўлиш бизга насиб этгани яна бир бахтимиз эмасми?

Энг муҳими ва ифтихорлиси биз озод ва обод Ватанда, ҳурриятдан ҳумоланиб, ёруғ юз билан яшаётган эл

ичидамыз. Шу элу юрт бизнинг ўз фарзандим дейди, шу юрт эгаси бизга ҳаммаша эъзозу эътироф этади, меҳнатимизни қадрлайди. Ойдан ойга, йилдан йилга гўзал имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Биз кимлардир ҳавас, кимлардир ҳайрат, яна кимлардир ҳасад билан қараётган жаннатий диёр — Ўзбекистон фуқаросимиз. Аммо бу Ватанда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жаннат шу халқнинг қўли билан яратилмоқда. Шу жаннатий диёримизнинг тумори — бизнинг тинчлигимиздир.

Туну кун бу юрт осмонига таралгучи дуолар аввалида — «Яратган Эгам, тинчлигимизни асра!» — деган нидо туради. Биз ўзгаларга сўраганимиз эзгу ниятлари йўлида ҳам олибниб яшайдиган халқмиз, дунё тинчлигини тилаб турган миллатмиз.

«Тоғдан баланд фақат тоғ бўлиши мумкин», дейди улуғларимиз. Демак, биз кўкси сарбаланд миллатнинг қалам аҳли оқ қоғоз узра ўй сурганимизда улуғ ажодларимизнинг руҳи покларни кузатиб турганини унутмаслигимиз жоиз.

Қадоқ қўл, захматкаш, пешонасидан томган терлари дурдек тоза халқимиз биздан — фақат тўғри ва ҳалол ёзишимизни, муаммолар қошида адолатли бўлишимизни, бор гапни, бор ишни бор гўзаллиги билан таърифлашимизни ис-тайди. Аслида ватандошларимиз газеталаримизни варақлаганда, экранларимизга нигоҳи тушганда, радиотўқинлар тебранганда ўзларини бор бўйибаста, бор кўнгул билан кўришни хоҳлайдилар.

Ана шу хайрли, ҳавасли ва хайратли йўлда ҳеч қачон толманг, толиқманг деймиз, азиз касбдошлар.

1
Фалсафа фақат ўрта ва олий мактабда ўқитиладиган фан эмас. Давлат ва жамиятнинг муайян даврдаги ҳаракат йўл-йўриғиго зоҳирий ва ботиний тараққиёт жараёнларини ҳам кенг маънода фалсафа дейиш мумкин. Яъни ҳаёт ва ҳаракат фалсафаси.

2
Китоблар бор, ўлик туғилади. Китоблар бор, туғилмасданоқ ўлади. Яна шундай китоблар борки, туғилишданоқ ишга киришади. Яъни миллат, мамлакат ва жаҳон миқёсида ўзининг ҳаётбахш таъсирини ўтказа бошлайди.

“Юксак маънавият — энгилмас куч” китоби билан жаҳон давлатчилик тарихида илк бор маънавият умумбашарий фалсафий-сиёсий категория даражасига кўтарилди.

Назаримизда, маънавият — инсоннинг “барча қарашларининг мезонидир”, деган жумлада янги катта ҳақиқат бор: бу — инсоннинг дунёқараш маънавият тарозусида ўлчанади, уларни маънавият бошқаради, дегани. Маънавиятсиз одамдан эзгу сўз ва эзгу амал кутиш қийин.

“Дунёни гўзаллик кутқаради”, деган машҳур умумбашарий ҳикмати бу ўринда бемалол: “Дунёни маънавият кутқаради”, деб айтса маъно кўлами янада кенгайди. Бинобарин, улар бир-бирини тўлдирадиган фикрлардир. Яъни гўзаллик маънавиятдир, маънавият эса гўзалликдир.

Зеро, маънавият тақчиллиги, айниқса, ҳозирги глобаллашув замонида инсоният ҳаётига салбий таъсир ўтказиши аниқ кўзга ташланмоқдаки, бугунги мураккаб дунёда ёвуз, тажовузор кучлар халқнинг узок асрлар давомида шаклланган эзгу урф-одат ва дунёқарашини бузишга, улар ўрнига инсонни руҳан майиб қиладиган ноинсоний ғоя ва майлларни тарқатишга уринмоқда. Бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлар гўзалликка, қолаверса, ҳусни ҳақиқийга ҳам зиддир. Маънавий таҳдид нима, деган саволга китобда аниқ жавоб берилган: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутидиган мафкуравий, ғовий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”.

Бунда икки нуктага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, демак, маънавий таҳдид одамни том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратади, иккинчидан, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга интилади. Фикрнинг замиридан руҳий дунёси бутун бўлмаган одам том маънода эркин эмас, деган фалсафий хулоса келиб чиқади.

3
Ушбу янги нукта назарнинг туғилиши бежиз эмас. Шўро тизими емирилгач, унинг жағовар атеизмга асосланган мафкуриси ҳам барҳам тоғди. Мустиқил Ўзбекистон жамияти қандай фалсафий қоидалар асос қилиб олади, деган савол табиий равишда кун тартибига чиқди. Бу

бутун бир жамият дунёқарашига боғлиқ масала Юртбошимизнинг олдинги ишларида ҳам кўриб чиқилган бўлса-да, “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида аниқ ва лўнда баён қилинди. Китобнинг “Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги” фасли ушбу масалага бағишланган.

Маънавият, қайта-қайта айтилганидек, инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ экан, руҳ, онг, ғоя борлиқнинг негизи, яъни бирламчи, материя иккиламчи, яъни ҳосила деб билувчи фалсафий таълимот идеализмга ҳурмат бажо келтириши тайин. Лекин ҳамиша шундай бўлмаган. Китоб саҳифаларида ўқиймиз:

“Ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида бундай бахслар соф назарий масала доирасидан чиқиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мафкуриси мақомини ҳам олган. Бунинг тасдиғини узоққа бормасдан яқин тарихимизда — шўро замонида материалистик қарашни устун қўйиш натижасида материя бирламчи, онг эса иккиламчи, деган тамойилнинг ҳукмрон дунёқараш даражасига кўтарилгани, бунинг оқибатида инсоннинг маънавий қадриятлари, айниқса, унинг мил-

идеал ҳодисаларни диний ва ҳаёлий дея буткул рад этиш инсон ва жамиятнинг маънавий-руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишига гувоҳ бўлди.

Муносабат

Шу ўринда китобда масаланинг оқилона ечими таклиф этилган, яъни “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кегириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотиға қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”.

Бу қиёс китобда ҳадиси шарифдан олинган фикр билан янада мустаҳкамлангани: “Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг”, деган мазмундаги сўзларни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур, деб ўйлайман. Бизнинг маънавий ҳаётимиз ана шу икки асос, икки таянч нуқтанинг устида мустаҳкам туриши лозим”.

Бундан чиқарилган хулоса: моддий ва

охири-оқибат сиёсий мустақилликка олиб келиши мумкин ҳамда фақат мустақил миллатгина ўзининг маънавий-интеллектуал бисотини дунёга очик-ойдин кўз-кўз қила олади.

Истиқлолга ҳам биз қандай қадимий илмий ва фалсафий меросга эга эканимизни ҳамма билар, лекин тан олишни истамас, мустамаккачи калондимоғлик бунга йўл бермасди. Бир мисол. Маълумки, 1969-1972-йиллар мобайнида Москвада тўрт жилдлик “Жаҳон фалсафаси антологияси” чоп этилган. Унинг сўнги жилди собиқ иттифоқ халқларининг фалсафий ва ижтимоий фикрига бағишланган бўлиб, Ўзбекистонга ажратилган қисмда у сиймо — Бердак, Мукимий ва Фуқрат асарларидангина парчалар берилган. Уларку нисбатан яқин, XIX асрда яшаб ўттишган, унда X-XI асрларда ўтган даҳоларимиз, Форобий ва Ибн Сино қаерда қолди, дерсиз. Уларга антологиянинг 1-жилдидаги “Ўрта асрлар мусулмон фалсафаси” қисмидан ўрин ажратилган. Ваҳоланки, шу жилдда арман, грузин, озарбойжон ва рус фалсафасига махсус қисмлар ажратилган бўлиб, айтايлик, “Озарбойжон

ахли ўртасида муким обрў қозонган “Фалсафа тарихида маърузалар” асари учинчи китобидаги “Араб фалсафаси” боби, “Аристотел шарҳловчилари” фаслида Форобий ҳақида сўзлаб, уни бори-йўғи юнон файласуфининг шарҳловчиси сифатида қайд этади. Бизнингча, Гегел қўл остида Форобий асарлари бўлмаган ва у улардаги Президентимиз маърузасида айтилган “чўқур қатламлар”дан бехабар қолган. Шундай бўлмаганда Гегелдай буюк ва синчков файласуф Форобийнинг қатор янги ғоялар ва кашфиётларини қайд этган бўларди, албатта. Ваҳоланки, Гегел XIX асрда яшаб ўтган, ҳозирги замон тадқиқотчилари ҳам Форобийнинг оламшумул мустақил файласуф эканлигини етарлича очиб беришган эмас.

Лекин буюк алломаларимиз асарларидаги чўқур қатламларга кириш осон эмас. Биринчидан, уларни ёзилган тил, яъни араб, айрим ўринларда форс тилидаги матнда ўқиб-ўрганмоқ лозим. Чунки маъно дастлаб битилган матнинг шакл-шамойилига, аслан айнан қандай сўз ишлатилганига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Иккинчидан, буюк аждодларимиз яратган илмий обидалар замиридаги чўқур қатламларга бевосита ва ҳолис кириш лозим. Гапнинг индаллосини айтганда, даҳоларимиз асарларидаги идеалистик, ирфоний қатламлар ҳақида махсус тадқиқотлар яратиш пайти келди. Бошқача айтганда, даҳоларимиз яратган буюк кашфиётлар умумжаҳон фалсафасининг энг умумий қонуниятлари ва энг замонавий фалсафанинг ютуқлари асосида ўрганилиши лозим.

Учинчидан, чўқур қатламларни очиш аждодларимиз меросининг миллий-худудий ва диний-фалсафий илдишларини топишни ҳам англатади. Маърузада қайд этилган чўқур қатламлар шундай жаҳоларда юз кўрсатади.

5

Юксак маънавиятга таянган жамиятгина улуглиқ босқичига кўтарилади. Маънавиятсиз тараққиёт алал-оқибат ҳалокатга олиб келади. Мустиқил тараққиётимиз, истиқлол фалсафасининг маъно-мағзини маънавият, юксак маънавият ташкил қилиши лозим. Китобдан чиқадиган залворли хулосалардан бири шу.

Келажаги буюк давлат юксак маънавиятга эга бўлиши, таъбир жоиз бўлса, маънавият мамлақати бўлиши зарур. Юксак маънавият ҳар қандай давлат ва жамиятнинг чинакам буюклик белгиси, энгилмас кучидир.

Биронта мамлакат пешвоси ўз халқи маънавияти, умуман, маънавият ҳақида бизнинг Президентчилик гапирмаган, ёзмаган. Маънавиятни давлат сиёсати даражасига кўтармаган. Бу жаҳон сиёсати ва жаҳон тарихида янги тушулунча ва умуминсоний нажоткор ҳикмат эканлиги шак-шубҳасиздир.

Сувон МЕЛИ,

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти катта илмий
ҳодими, филология фанлари номзоди

ОЛТИНҚЎЛНИНГ ТИЛЛО БОЛАЛАРИ

Фарзандларимизга, улар учун яратилаётган шароитларга қараб “ҳозирги болалар омадли-да”, деган иборани кўп ишлатамиз. Аслида буларнинг бари мамлакатимиз мустиқиллигининг шарофатидан эмасми? Истиқлолнинг илк йиллариданоқ комил инсон тарбияси устувор вазибалардан бирига айланди.

Бу йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши болам деб яшайдиган элимизнинг ғайратини жўш урдириб юборди. Зеро, ўғил-қизларимиздаги иқтидор улар ҳар жиҳатдан соғлом бўлсагина намоён бўлади. Фарзанд соғлом дунёга келиши ва вояга етиши учун эса, авваламбор, тиббий шарт-шароит яхши бўлиши лозим.

Менинг Олтинқўлга келин бўлиб тушганимга 35 йил бўлди. Мустиқилликкача туман марказий касалхонасининг тарқоқ, кичик-кичик, шунчаки номигагина тиббиёт муассасасига ўшаган биналарида бир неча бор болаларим билан даволанганмиз. Шифохонага тушдим дегунча изтиробим ортиб кетарди. Бугун эса, вилотиимиздаги замонавий услубдаги янги турмушоналар кўзга кўнатилади. Бу ердаги тиббий жиҳозларни кўриб беихтиёр ўзим ҳам “Ҳозирги келинлар омадли-да, барча ҳамюртлар уларга аталган, шарт-шароитлар муҳайё қилинган”, дейман. Масалан, биргина Олтинқўлнинг ўзида 26 та замонавий жиҳозланган шифо масканлари фаолият кўрсатади. Улар туррўқ ёшдаги аёллар, ўсмир қизларни ва беш ёшгача бўлган болаларни тиббий қўриқдан ўтказишди.


Юртбошимиз жуда кўп маърузаларида “Ўзбекистондаги барча болалар менинг болаларим”, дея таъкидлайди. Худди мана шу бағрикенгликни қўлаб юртдошларимизнинг болаларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан ҳам қис этиб турибмиз. Акмалжон ака Жалолов жуда кўп болаларни оталиққа олиб бошини силанган. Шунинг учун уни “37 ёшда ўттиз бошанинг отаси”, деб ҳазиллашади. Бу бежиз эмас.

— Улар мактаб, коллежларнинг ўқувчилари, ўсмир йигит-қизлар, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раҳбари Гулназа Сатимова. — Турли сабабларга

кўра ота-оналаридан бевақт ажраган, бобо-бувилари ёки тоға-аммалари қўлида қолган ўсмирлар. Гоҳида Акмал ака билан болаларнинг суҳбатига мен ҳам шерик бўламан. Дастлаб болалар бу учрашувларга унчалик мослаша олишмади. Кейинроқ ўрганиб кетишди. Акмалжон ака улар билан мулоқот чоғида ўзини худди отадай тутди. Кўнглига қараб суҳбатта тартади. Болалар ҳам тортинишмай-диган бўлди — ўқимшаридаги ютуқларини ўртоқлашади, орзуларини ҳақида гапириб беришади. Лекин уларнинг бари мағрур, нима каминг бор деса, дарров айта қолишмайди. Бир гал Хуррият Усмонова деган қизимиз однатдагидан анча ғамгин кўринди. Синчиклаб суриштирсак бобоси ҳам, бувиши ҳам бемор бўлиб қолишган экан. Дарров улар Анди-

қумли йўлакчалар яратилди. Турли кўнгилолар аттракционлар, спорт мусобақалари майдонлари ташкил қилинди. Болалар боғининг очилиш маросимида Андижон вилоти ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов, Маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожид-

жойлашган бу муассасанинг ташкил топганига 40 йилдан ошди. Ўтган йили қайта қурилиб, катта санъат қошонасига айланди. Ўқув хоналари, жиҳозлари, мусиқа асбоблари, қўрган кишининг ҳавасини келтирадиган концерт зали... Ушбу даргоҳда 150 нафар



дин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторовна, Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, шоир Сирожиiddин Рауф ва бошқаларнинг самимий тилаклари, вилотидаги ўнга яқин таникли ҳофизларнинг қишқилари болаларнинг ёдида бир умрга муҳрланди. Байрамда 9 ёшли Муслима Мирзаева куйлаган “Соғлом болаларимиз” қўшиғига барча қизлар ва болалар жўр бўлди.

Олтинқўллик Муслима Мирзаеванинг “Истиқлол ғунчалари” кўрик-танловининг вилоти босқичида 1-ўринга сазовор бўлгани кўпчиликини ҳайрон қолдирмади. Чунки Муслима беш ёшидан бери Наврўз ва Мустиқиллик байрами каби нуфузли тадбирларда қўшиқ куйлайди. Куйлаганда ҳам ҳар гал янги қўшиғи билан саҳнага чиқади. У Олтинқўл туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг аънавий хонандалик бўлими 2-синф ўқувчиси. Олтинқўл марказида

болалар санъатнинг тўққиз йўналишида сабоқ олишяпти. Илк бор ташкил қилинган тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик бўлимида ўқиётган 15 нафар бола чизган суратлар, ясаган ҳайкалчаларга, уларнинг кўзидаги иштиёқ ва ҳаракатларига қараб до-нишмандларнинг: “Қобилиятсиз бола бўлмайди, фақат уни топиш, тарбиялаш, кашф этиш керак”, деган хикмати ёдга тушади. Актерлик бўлимидаги болалар ҳам улардан қолишмайди. Бўлимнинг биринчи синфида тахсил олаётган Азизбек Расулбердиев ҳам худди Муслима сингари ўз йўналишида вилоти танлови ғолиби бўлди.

Ҳар бир инсон ўз Ватанини севади. Шоирлар Ватан ҳақида шеър ёзадилар, ҳофизлар юрт ҳақида ўқиш куйлайдилар. Ихтирочи олимларнинг кашфиётлари ҳам юрт учун, Ватан учун бир умр хизмат қилади. Спортчилар эса юрт шаънини ўзлари эришган ғалабалари орқали намоён қиладилар. Катта спорт майдонида ғолиб деб топилиб,

Ватан мадҳияси янграётган пайтда байроғимизни кўзга суриб айтилган изҳордан қалб жунбушга келади, юрак ҳаприқиб кетади, кўзга беихтиёр шуқрона ёшлари келади. Буни олтинқўлликлар кураш бўйича жаҳон чемпиони-нинг қумуш медал соҳиби, 5 қара мамлакат чемпиони Бобурмирзо Мўйидов, таэквондо бўйича қатор халқро мусобақалар ғолиби Мафтуна Толипова, шахмат бўйича 7 ёшли Ўзбекистон чемпиони Дурдона Тожибоевалар тимсолида ҳис қила оладилар. Улар каби ватанпарвар, элпарвар бўлишни орзулайдилар. Шу орзу йўлида тумандаги таълим муассасаларида 50 дан зиёд спорт зали, шунингдек, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, сузиш ҳавзалари фаолият кўрсатяпти.

Яқинда бўлиб ўтган катта бир тадбирда бадий гимнастикачи қизалоқларнинг чиқишлари намоён иш этилди. Саҳнадаги қаққон, эпчил, маҳоратли бу жажжи маликаларни кўриб ўтирган томошабинларнинг жуда кўпчилиги ҳайратини яширолмай, “Ана менинг набирам”, “Наригиси менинг жияним” дея гуруранди. Олтинқўлда бундай жажжи спортчилар сафи кенгайиб бормоқда. Махсус мутахассисликка эга бўлган устозлар тарбиялаётган бу қизалоқларнинг айримлари аллақачон ўз келажагини спорт билан боғлаб бўлган. Бу қизлар эрта-индин республикада, хорижда ҳам совринларга, медалларга сазовор бўлишса, не ажаб. Ёки бугун вилоти миқёсидаги катта танлов ва тадбирларнинг қатнашчилари — 42-умумтаълим мактаби ёш рақосаларидан келгусида таникли санъаткорлар қимйидаи деб ким айта олади.

Мақолага нукта қўётганимда яна бир хушхабарни эшитдим. Кенчагина вилотида биринчи ўринни олган Муслима Мирзаева “Истиқлол ғунчалари” танлови бўйича республикада ҳам ғолиб бўлибди. Унинг ширали овозда куйлаган “Соғлом болаларимиз” қўшиғи қулоғим остида янгради:

**Хуррам кечар ҳаётлари,
Жаранглайди баётлари.
Элу юртга суяч бўлар,
Алпомишининг авлодлари.
Шодон болажонлар,
Соғлом болажонлар.**

Замира РЎЗИЕВА

Огоҳлик

Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин, деган гап бежиз айтилмаган. Зеро, ёнган нафақат мол-мулкка, балки инсон соғлиғига ҳам бир умрга зиён етказиши. Қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарият қисми одамларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Яъни улар қўпича кичик алағадан, қўлбола электр асбобларидан нотўғри фойдаланишмоқда. Ана шундай эҳтиётсизликлар нафақат шахсий уй-жойга эга бўлган фуқаролар, балки турли корхоналар, хизмат идораларининг ишчилари, ходимлари ўртасида ҳам рўй бер-

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

моқда. Шу боис метрополитеннинг барча ишчи-хизматчилари ҳамда ҳарбий-лаштираган ёнгин хавфсизлиги бўлини-маси билан ҳамкорликда ёнгинга қарши ўқув машғулотлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу борада метрополитен раҳбарияти томонидан тадбирлар ишлаб чиқилиб унинг бажарилиши назоратга олинган.

Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлини-маси томонидан эслатмалар ўқиб эшиттирилмоқда. Унга кўра, электр тармоқлари орқали ишлайдиган мосламаларни қаровсиз қолдирмаслик, электр ўлчов мосламаларида “қўлбола” ускуналарни ишлатмаслик, керосин, бензин, бўёқ каби тез ёнувчи моддаларни тахта ва қоғоз каби материаллардан узоқроқда, темир идишларда алоҳида сақлаш лозим.


Ана шундай талофатларнинг олдини олиш мақсадида метрополитеннинг 240 нафар “Қўнғили ёнгин ўчириш аъзолари” бор. Зеро, “Ўз уйининг ўзинг асра” шиорига бугун барча ҳамюртларимиз риоя қилишлари, ҳар қандай талофат ва ёнгин хавфидан огоҳ бўлишлари лозим.

Н.АЙНАКУЛОВ

Тошкент метрополитенини
қўриқлаш бўйича ИИБ Ёнгин
хавфсизлиги бошқармаси катта
инспектори, кичик сержант

Шафоат РАХМАТУЛЛАЕВ

МУЗАФФАР ДАВРОНИМ КОШОНАСИДА



ИФТИХОР

Азал ажодларим Оллоҳ сайлаган,
Жами эзу ишлар амирлигига.
Мени-да иймонан маъсул айлаган,
Турмушнинг тинчлигу маъмурлигига.

Кийдириб, тўйдириш асл муддаом,
Бобомдан устивор нон, ойли туғдай.
Ибтидо толеддан, мероси туғром —
Хумо чангаллида пахта ва бугдой.

Кеч куз, эрта баҳор, беором турдим,
Майсам илдизининг шивирларидан.
Ёзда лава каби оқди дон — бурдим
Вулқондай тоғ бунёд қувурларимдан.

Рўзгорнинг меъмору маъмури ўзим,
Пиллам, ғаллам, пахтам бетаъриф боғим.
Ватандан ифтихор айтган ҳар сўзим,
Озод ўзлгимдан фахр, ардоғим.

Дил ва қўл амалим буюк пирга тан,
Қўнгим пахтадай оқ, юзим бугдойранг.

Шафоат РАХМАТУЛЛАЕВ 1942 йилда туғилган. "Оҳу", "Жануб шамоли", "Умид остонаси", "Гулоб", "Муסיқа алифбоси", "Озод сўз", "Қўринмай гулладим" сингари шеърли ва илмий-назарий тўпламлари чоп этилган. Термиз давлат университети профессори. "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби (2003 йил).

Музаффар давроним кошонасидан,
Яна бир ғалабам — оламин жаранг.

Зафар айёмида дийдор татмили,
Бағримга талпинар узок яқиним.
Муродим самари тонгдай ёқимли,
Халқим, онажоним, синглим ҳам иним.

Шукур, мен эгамнинг суйган бандаси,
Қалбимда яратилган ишқим — муборак!
Олтин далаларим қут, файз хандаси —
Жами тирикликка ризқим — муборак!

ЗАРАУТ

Асрлар губорин боқса аритиб,
Ўтмиш келажакни турар ёритиб.
Эй Ватан, ҳар тошинг миллат тарихи,
Тарих-ла тарихда бор минг тафовут,
Бир қадим тарихсан, сен ҳам, Зараут.

Ул улуг ажодлар ўн ё қирқ минг йил
Ўзлгига бериб шаклу шамойил,

Тош китоб этмоқни этмиш тамойил.
Эй, ажод мероси, гурури овул,
Сен қадим тарихсан — шонсан, Зараут.

Ҳақ қавми сочилиб заминда ўсди,
Замонлар танитди душману дўстни,
Мусони, Исони, тонди Зардўстни.
Балки сенинг боланг зардўшт ё Довул,
Эй, Расул қавмига Ватан, Зараут.

Бир мурдат ёв босди гоҳ шу Ватанини,
Махв этди Широқни — вужудни — танини.
Леҳ забт этолмади руҳий маъданини,
Эй руҳоний тарих — ўзликка совут,
Енгилмас бир қалъа сенсан, Зараут.

Шу Ватан миллатнинг қутбул Қуръони,
Шу ўзбек-минг йилким тождор Турони.
Ҳар уй улғайтар бир Соҳибқиронни,
Шай ёвга солгали бургутдай човут,
Қудрат ва қанот ҳам сенда, Зараут.

Сенинг салтанатинг абадий пойдор,
Қўхитанг саройинг, маликанг баҳор,
Шукур насиб этса зиёрат, дийдор,
Пойимизга ёзилган поёндоз — мовут,
Ассалом алайкум ҳазрат, Зараут.

МУЖАССАМЛИК

Балки мен мингинчи Шафоатдирман —
Мен бўлиб мингинчи нусхам пайдоидир.
Энди минг бўлагим ўзда бўлса жам,
Ҳали минг бўлагим ҳамма жойдадир.

Учар, излар сарсон атом, генларим,
Дея: — "Бирлашайлик, у ҳали ярим".

Мужассам бўлгунча мен бўлиб бари,
Минг қарра эврилмиш ўзлик дафтарим.

Шу чексиз коинот қорхонасида,
Миллиард жараёни ишлар биламан.
Ҳали мен ечаган сирлар қай бирин
Ечандир дельфинлар, қушлар, биламан.

Менинг бўлагимдир ўша дельфинлар,
Қумолилар ҳатто битта бўлагим.
Токи ўзлгимни англамоқ учун,
Оламдан оламча мужда тилагим.

То ҳар сир тишимда чайналсин нондай,
Қиличдай кесолсин ақлимнинг дами.
Батамом очилган фойдали қондай,
Юз фойз ўзлашсин миям қатлами.

То абад жамлаб бор қисмларимни,
Мангу қомиллик деб фидо бўламан.
Ва айтиб илоҳий исмларимни,
"Ватан!" десам жондан жудо бўламан.

КАМАЛАК
СЎҚМОҒИ

Орзуларим эди ҳу осмон,
Енгил эдим мисли бир малак.
Юрай десам самовот томон.
Сўқмоқ бўлди бир кун камалак.

Ўша зарҳал йўлакдан шоша,
Само сари юксалдим тикка.
Уфқларни қилиб томоша,
Сингиб кетдим тубсиз кенгликка.

Теграм узра парку булутлар,
Еллар билан айтди ал-омон.
Сочки сочиб қутлади улар,
Оқ локали момоларсимон.

Чақин — машғал, гулдур — ногора,
Бахт чапаги гўё жалалар.
Қуёш қани — олтин зоғора?
Қани қақноқ юлдуз — болалар?

Ўрлар эдим бўсалар олиб,
Бир дилбардан ҳаёлимда ман,
Шоҳ орзулар ичра йўқолиб,
Қўришман дердим Ой билан.

Менинг ўша заррин сўқмоғим,
Бошлар экан сирли йироққа.
Ногоҳ қўзим очсам, оёғим
Тиздан ботиб турар тупроққа.

Алданибман, яна мен фақир,
Хаёл кетиб ўздан нарига.
Ярим ёй-ку камалак, ахир,
Унинг ярни ерининг қаёрида!

Т У Ю Қ Л А Р

ЭЙ, ФАРЗАНД

Турмушда яхши-ёмон одам тани,
Номурод ким у — йўлдош этма, тани.
Темирдек тоблаб бориб руҳу танини,
Ўзингни танит юртга — бу мард тани.

ҲАР КЕЧ ЧАМАН

Кун ботиб, бўлгач зулмат, ҳар кеча ман,
Бешоён фалак муҳитин кечаман.
Қаҳқашон — боғ, юлдузлар — ҳар кеч чаман,
Тун ором, кундуз ғамидан кечаман.

Собир ЎНАР

ОТАМ КЕЗГАН МАЪВОЛАР

(ТОҒ ҚИШЛОҒИ ҲАНГОМАЛАРИ)



Собир ЎНАР 1964 йилда туғилган. ЎЗМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. "Орзуга тўла қишлоқ", "Овоқ адиблар бағрида", "Чаши", "Чамбилнинг ойдаласи", "Бибисора" сингари насрий китоблар муаллифи.

Отам раҳматли овчи эмас эди, лекин ҳайвон зоти, айниқса, жондордан — бўрини бизда шундай деб қўқолишди — қўқмаган. Мен бун баралла айтаман. Сабаби у одам умрида бирор марта ёлгон гапирмаган. Қирқ йиллик тўпори, содда ва бағрикенг Ҳамза чўпон эди. Умри қир ва тоғларда ўтди. Чўпонлик, биласизми, энди эсласам ўша давр учун энг бемаза касб экан: на кечаси, на кундузи ором йўқ, тиним йўқ, қўйни ё молни бировнинг олдига солиб, ақалли бир ҳафта таътилга чиқиб дам олиш йўқ. Чамаси ёз чилласида қўйлар ётоқ-жойда бир неча соат бошларини эгиб ёху ётиб тин олгандагина отам бир чойнак чойга суви қочган нонни ботириб еб олгач бир ё бир ярим соат мизгиб оларди. Куннинг тафти пича пасая бошлагач қўйлар туриб қуёшдан бошларини бекитиш учун бир-бирларининг

"пинж"ларига суқилганча тўда-тўда бўлиб жовдираб жўнай берардилар. Отам ўрнидан туриб чойлатом ёнига ялангоёқ ўтиб қўлини пешонасига тираб овозининг борица "ҳай-ай!" деб бақирар эди. Ана шунда нақд беш юзта қўй сергак тортиб бир-бирига қўшиллар ва бир томонга қараб ўрлаб жўнар эди. Овознинг бақувватлиги ҳам бир хунар экан дейман энди-эндилад. Икки қаҳирим масофадан молнинг бошини қайтариб қўйиш ҳам шунчаки иш эмас. Эчки аҳмоқроқ жонивор келади.

Қўй ундан ҳам баттарроқ, тўрт юз-беш юзтаси ўнча эчкига эргашиб жўнайди. Ахталанган така — серка жониворлари бўлса, бўйнига тақилган кўнгируқни юксак мартаба билганидан бўлса керак, отарни қулай-ноқулай жойларга бошлаб кетаверади. Қўнгируқ чўпон учун бир белги: қўйлар қаерда эканини чамалаб олади. Отарга

жондор оралаганда ҳам даставвал эчки товуш беради. Қўй бўлса дарҳол тақдирга тан бериб мик этмай тураверади.

Бир бўлган хангомани айтмай. У вақтда отам ёшироқ бўлган экан. Қарағатош тоғида молларни бир жойга тўплаб, шох-шабба, тезакни тўплаб, чойгумни қайнатиб, чойни ичиб бўлиб мулгиб, энди уйку элипти чийдомини устига тортиб турган экан, бир эчкининг "бақирғи" қулбоғига чалинибди. (Ҳа, эчки нақд бақиради, маъради дейиш, қанақадир ўхшашмайди). Фақулдодда бақирғи бир фалокатнинг дарағи. Отам ўрнидан туриб товунинг қаердан келаятгани ва масофасини чамалабди. Айвонсифат жойлашган тошнинг учигача энгашиб келиб қараса, жондор эчкини эрмак қилиб (қорни тўқроқ шеклини) у ёқ бу ёққа силтаб уриб ётипти. Одатда бўри молнинг бўғизидан олади. Савқитабий ийртқичлик сезгиси билан жончиқар жойини мўлжаллай олади ва ҳамлада деярли адашмайди. Эчки ҳадеганда мурдор бўлиб таслим бўлавермагач, бўри охири уни таппа босади ҳамда гиппа бўғишга тушади.

Отам тош олиб чамалайди, таёқ олиб чамалайди. Охири чийдомини ечиб, эҳтиёт шартидан олдиға тутайди ва... бор оғирлигини солиб этиклари зарби билан бўрининг елкасига тушириди. Шу ҳолда чийдом билан жондорнинг тумшугини ўраб олади. Биров ўша захоти бўрининг умуртқалари синиб кетувди, ўз-ўзидан жониям чиқиб кетган, Ҳамза ақанинг тошиям ҳазилакам эмас-да, дейди. Биров эса

отанг чопқисини ишга солиб бўрининг бўғиздан тортиб юборувди, дейди. Иқовиям худди қўрғандай гапирди. Отамнинг ўзи бўлса худди узок тарихни ўйлагандай ёки хира тушни эслагандай, ёки бўлмасам хушламагандай тураверади. Жондор ҳақида нимагадир гапиргиси келмайди. Шунча эди менинг отам...

Жайранинг гўштини дориликка ейишди, деб эшитганман. Бодга, ҳафакон, мижозга фойдаси ҳақида гапирдилар. Индида кавш қайтаради, дейишди. Биласиз, айригўёқ ё кавш қайтарган ҳайвон ҳалол эмиш. Бироқ жайранинг оёғи айнан чақалоқниқига ўхшаши одамни сескантиради. Буни мен Қўлмат жўрдан эшитганман. Қўлмат жўра Фақир бобонинг кичик ўғли. Қўйириш бундай бор. Лекин "жўра, отангникиям етади, сен сал калтароқ қайт!" десак, "ҳе, ўлинглар" дея шаштидан тушиб қолади. Унинг унда-бунда шериклари билан тоққа чиқиб олқор, тўнғиз отганиниям биламиз. Лекин жайра овига бир ўзи чиққан. Тизза бўйи қор ёйиб, одамлар гуртиқдан юрмай турган кун ақасининг армиядан қийиб келган кигиз этигини қийиб олиб, елкасига битта паншахани ташлаганча тоққа йўл олган. Молхона, уйлар устида қор кураб юрган қўшчилар ҳайрон қолишган, босинчи туш қўрибди-ёв дейишган. Фақат хотинига "Бугун бир жайра ўшлаб келаман, кечки овқатга пишириб еймиз, кейин тўққиз ой ўтиб ўғил туғасан", дебди.

Унинг кетганини қўрғанлар келганини қўришмаган. Фақат эртасига тонгда Исмаат полковнинг ўғли ташқарига чиқаётган уй олдидаги симтўсиқда олти... жайра осилиб турганини қўриб турган жойдада қотиб қолган. Исмаат полков оdatдагидай буқилилаб-бу-

қилилаб, дамини чиқармай қулган. Қўлматнинг бир эмас, учта жайра тутиб келганини айтган. Даставвал Қўлматнинг жайра тутишига, жайранинг оёғи жуда ингичка эканига ишончсизлик билдирганлар ҳам ўшалар бўлган учун овчи атайин шу йўлни тутибди.

Мен Тошкентда эдим. Тенгқурлар Қўлматниқига ўтишган. Ўртоқлар баъзан "тоғда ўсгансан, қайси ҳайвонларни қўрғансан?" деб сўрашди. Ўйлаб қарасам бўри, тулки, тўнғиз, қуён, жайра, қўлвор, ўқилон, "сувилон (майли-да энди), бургут, қалқик, қирғовул, ғажир, уқки, лочин, тувалок, зарғалдоқ, бойўғли, тира-тира, сассикпоишак, тўғрай (майли-да энди)ларни қўрғанман. Ҳажир, сассикпоишак қўп бўларди, ҳозир негадир қарға қўпайган. Дарвоқе, зағча деган қўлга тез ўрганувчи мусичадай бир қора қўш бўларди. Ўзинча хушомад қилиб қўшчиларнинг тугма, игна, ипи борми, тумшугига нима илинса эгасининг уйига ташигани ташиган эди. Эсимда, бир гал чақалоқ укам оғзини очиб бақириб йиғлаётса, зағчамиз унинг тилидан қўриб олган. Укам бир пас индамай, балки қўрқандидан қотиб қолган, сўнг тилидан қор томаётганини қўриб баттар қичқирган. Қўшимиз шу "гуноҳи" учун хонадонимиздан бутунлай бадағга қилинган.

Тоғимизда айик бор дейдиганлар топилади. Бе, бу бир боди гап. Айик ўрмонли тоғда бўлади. Бизнинг тоғ — бахил тоғ. Асосан чағир тош. Соёлари ҳам санг, қайроқтош. Жайрани чиндан ҳам қўрғанман. Қўна қишлоқдаги чайлатомимизга қўчиб чиққанми, отам молларини тўплаб келиб, овқатдан сўнг ҳаммамиз супада пинакка кетаётган эдик. Итимиз бирданига безовта вовуллаб қолди. Одатда у бегона шарпани қўриб қолса шундай безовта "хов-хов" қиларди. Отам дарҳол туриб ялангоёқ тоқдор оралаб кетганини бил-

май ҳам қўлибми. Бир пайт қарасак, худди одамни сўқандек бир нималарни сўқиб тошлаб қўчиб юрибди. Акам билан мойчируқнинг пилигини қўтариб секин-аста қўриб бордик. Биз яхши қўрған қизил хўсайининг тағида икки қўз яптирайди. Қўтиб турибди. Отамнинг қўлида кесак экани, шошиб унга улоқтирди. Тиконлари узун, қатта одамнинг тирсагича келса керак. Албатта, у қочди ва таёқдан ҳам, ўлимдан ҳам қўтулди. Тоқдор ёнидаги жарга тўрт-бештаси бирданига қалла ташлаб кетди. Зийимизда уларни топиб бўлармиди. Бўйинг ўстига яқинлашган одамга иғнасини отади деб эшитганми. Отам бунисини ўйлаб чўчидиган одам эмас — дўч келса тош ёки таёқ билан соламан дейди. Ўшанда жайралар тикон отганини қўрмаганми. Лекин узум-хўрлик қилган жойдада тўрт дона найзаси тушиб қолган. Ва ўшанда биз пишиқни зориқиб қутаётган, энди ранг ола бошлаган қизил хўсайининг ғажиб ташланганини қўриб жудаям ғажа бўлганми. Қайтиб жайра зотиини қўрмаганман...

Овчи дўстимиз Қўлматбой ёзда жайрани қўп пойлаган, тутишини эпини келтирмогач. Ҳатто инининг устидан тешиб ҳам қўрған, оғзини беркитиб ҳам қўрған, бўлмаган. Ини узунлигини чамалай билмаган. Ўзи тушиб боришга қўрққан: найзаларини бирин-кетин ўқдай отиб, баданини илма-тешиқ қилиб ташласа нима бўлади?

У мўлжал қилиб юриб қор босган кунни айна пайт ҳисоблаган. Таваккал бир ўзи паншахани қўтариб борса, жониворлар худди ўша пайт сувлашга тушишган экан. Сувга қонган жайра юқрига чополмас экан. Шу боис учовиниям қийналмай паншаха сўчиб жойида қолдирган.

Ҳа, дарвоқе, тўққиз ой эмас, келаси йили қишга бориб Қўлмат жўра бир неча қизлардан сўнг чиндан ҳам ўғил қўрған.

Зебохон ХУДОЙБЕРДИЕВА

СИЗЛАРНИ ҲАМ УЙҒОТСАМ



Зебохон ХУДОЙБЕРДИЕВА 1996 йил Фарғона вилоятида туғилган. Фарғона Педагогика институтини қошидаги Ёрмозор академик лицейининг 2-босқичи ўқувчиси.

Барига сабаб, ўртоқ,
Ўқилмаган китоблар.

Комил, мумтоз китоблар,
Оқил устоз китоблар,
Рост, беқийс китоблар,
Ўқилмаган китоблар.

Ёшлик — беқарор шамол,
Тезда тўлишгай ҳилол,
Сизга жавоб ва савол,
Ўқилмаган китоблар.

Темур юришлари бу,
Бобурнинг тушлари бу,
Тафаккур ғишлари бу —
Ўқилмаган китоблар.

Ойлар ўтар, ой ботар,
Айланади офтоблар.
Сизларни ҳам уйғотсин,
Ўқилмаган китоблар.

КУМУШОЙНИНГ
АРАВАСИ

Гул-чечаклар сочади ифдор,
Фасли висол арафасида,
Чайқалганча боради баҳор,
Кумушойнинг аравасида.

Анг даштидан таралар рўё,
Сойлар қумуш нур сепар гўё,
Аравага ой тушганим ё,
Кумушойнинг аравасида.

Таралдудда йўл қарайди бек,
Йўлга пешвоз чиқолмайди лек,
Ўзбеккойим...ойимлар ўзбек...
Кумушойнинг аравасида.

Чарх уради қалдирғоч пастлаб,
Ғижирлайди қўнғилин гашлаб,
Ҳижрон қамчи босар йўл бошлаб,
Кумушойнинг аравасида.

Зайнабхоним уйғониб саҳар,
Кўзёш қўшиб тайёрлар заҳар,
Мен ҳам бирга бўлсайдим, агар
Кумушойнинг аравасида.

От ёлига ёпишар эдим,
От олдиға ё тушар эдим,
Жон опа, қайт опажон дердим...
Кумушойнинг аравасида.

РЎМОЛ

Бирдан қўлимдан юлқиб,
Олиб қочди-ю шамол
Янги ой ўроғига,
Илиниб қолди рўмол.

Рўмолим қўп аслида,
Кетаверсам бўларди.
Лекин безорини шамол,
Қаҳ-қаҳ отиб қуларди.

Кетсам агар гувланиб,
Рўмолимни олади.
Ёр йўлига ташласа,
Кейин нима бўлади?

Рўмолим қўп аслида
Бу ағёрнинг говғаси.
Шамол гувоҳ, бу рўмол,
Севгилимнинг совғаси.

Ялинайми шамолга,
Ё бепарво кетайми?
Тазйирини берсинми,
Рашқчи ёрга айтайми?

Бош чайқайди қари тол,
Ўмбалоқ ошар шамол.
Янги ой ўроғида
Ҳиллаб турар рўмол.

ГУЛДАСТА

Менга гул туттингиз — бир кучоқ қувонч,
Бирдан яшнаб кетди бағримда баҳор.
Яна нима керак битта қиз учун?
Яна бундан ортиқ менга не даркор?

Гуллар... бирим нафис, бирим муаттар,
Қўзим узолмайман завуқ-ҳавасда.
Бу тухфа нелардан беради хабар,
Нимага ишора алвон гулдаста?

Кимдир тартиб бермиш нозик дил билан,
Сувқоғозга ўраб, тортмишдир боғич.
Гулбарг қатлариди меҳр яширин
Гулқоса тубида нимқоса — соғинч...

Гулдаста — туйғулар дастаси ахир,
Бир кучоқ ҳиссиёт, бир кучоқ изҳор.
Гуллар замирида бошқаларга сир,
Иккимизга аён қўп ишора бор.

ДУҒОНАЛАРИМГА

Ўн саккизга қирган қизлар, шошманлар,
Туйғулар тошган қизлар, шошманлар.
Қасбу хунар, илм деса пайсаллаб,
Севилишга шошган қизлар, шошманлар!

Тошга ўйиб ёзилгайдир бугун фан,
Ўқсангиз муҳрланган бутун фан,
Нафақага чиқиб олманг бутундан,
Дунё кучоқ очган қизлар, шошманлар.

Ҳар бир инсон мўъжизадир шубҳасиз,
Мўъжизадан қолсин бирор мўъжаз из,
Ҳеч нарсаси ёлғизмайди шошган қиз,
Шошган қизлар, шошган қизлар, шошманлар!

КИТОБЛАР

Ойлар ўтар, ой ботар,
Айланади офтоблар.
Мени тунда уйғотар,
Ўқилмаган китоблар.

Тан — ўтроқ, хаёл дайди,
Бундай яшаб бўлмайди.
Дўст керакмасми, дейди
Ўқилмаган китоблар.

Нега сўзимиз тўмтоқ?
Нега хатимиз чўлтоқ?

БИР БАЙТ ТАРИХИ

Ҳазрат Алишер Навоий ёшлик айёми Самарқанд мадрасаларида ўқиб юрган кезлари бир қаландарни уфратиб қолибди. У ёқимли овозда куйидаги байтни хонини қилиб кетаётган эмиш:

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўқулган сабздин намнокрок.

(Мазмуни: Менинг кўксим тонгинг кўйлагидан-да йиртиқроқ, Кирпикларим шабнамдан ҳўл бўлган майсадан-да сернамроқ.)

Алишер Навоий бу байт таъсирида қаландарларга эргашибди. Улардан бири буни пайкаб, ундан эргашиси боисини сўраганида, Алишер юқоридаги байт сабаб эканини айтибди. Шунда қаландар: "Ёдлаб олибсиз-ку, айтиб юраберинг-да", дебди. Алишер эса: "Мен бу байтни сотиб олмакчиман", деганмиш. Қаландар: "Эй бутам, сиз мадраса толибига ўхшайсиз. Бу байтни сотиб олишга кучингиз етмас", дебди-да жунаб кетибди.

Йиллар ўтиб, Навоий вазир мартабасида Самарқандга келиб, ўша байтни айтиб юрган қаландарни сўраб-суриштирган эмиш. Уни бир гўшада бетоб ётган ҳолда топиб, ўша байт ҳалиям харидорлигини айтганмиш. Қаландар: "Бу байт бизга меросий мулк эди. Майли, ҳозирги ночор аҳолининг яхшилаш учун сотаман. Ариқ бўйига бир тегирмон ва ёнига менга ҳовли-жой қуриб берасиз", дебди.

Ривоят-ҳикояда айтилишича, Алишер Навоий бу шартни бажариб, байтни сотиб олибди ва уни давом эттириб, бир тазмин газал ёзибди:

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўқулган сабздин намнокрок.

Бу кўнгул ғамноқидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамни, бўлгай хотирим намнокрок.

Лайли андин кўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.

Ўйда мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк
Ким, магар андин ятме йўқтурсур бебокрок.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ банддин чолокрок.

Одамлик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча ўқасанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадур захмеки тиккан сойи бўлгай чокрок.

Юқорида келтирилган ривоят-ҳикоя қарийб эллик йил биз Навоий мухлислари учун қизиқарли бўлиб келди, ҳатто Навоийга байт сотган қаландар ким экан, Навоий қурдириб берган тегирмон ва ҳовли-жой қасрда экан, дея қизиқиб Самарқандда суриштириб ҳам кўрганмиз.

Аслида эса ривоят тўқима бўлиб, унинг муаллифи бутунлай бошқа одам экан. Бу ҳақиқатни очиб бергани учун биз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳолаваҳаси Муҳаммад Ҳайдар мирзодан миннатдор бўлишимиз даркор. Му-

ҳаммад Ҳайдар мирзо 1541 — 1546 йилларда ёзган "Тарихи Рашидий" асарида қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: "Мир Алишер Мавлоно Соҳибнинг бир матлаъсини сотиб олиб, уни нияҳосига етказган. Мана ўша матлаъ:

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўқулган сабздин намнокрок.

Мир Алишергача бирорта шоирда шеърни давом эттириб нияҳосига етказиш қобилияти бўлмаган. Мир Алишерга бу байт хуш ёқиб, уни охирига етказган...

Ҳайдар мирзо адабиётшунослик учун муҳим гапни айтган: бировдан бир байт олиб, уни давом эттириб бутун газал ҳолига келтириш жараёнидан иборат тазмин усулини биринчи бўлиб Алишер Навоий бошлаган экан.



Бизни яна бир ҳолат жуда қизиқтиради: Навоийдек даҳо ўз мулозими Мавлоно Соҳибнинг туркий тилдаги байтини нега бунчалик қадрлаган? Бунинг сири нимада? Байт мазмуни ва поэтикасини тасаввур этсак, бунинг сабабини англагандек бўламиз. Тонг ота бошлаганида тун кўйлагининг йиртилиши... Шабнам томчиларига ботган майсалар ва уларга ўхшаш инсон ҳолати: кўксининг ғам-аламдан абгорлиги ва кирпикларининг жиққа ёшга ботгани. Инсоннинг сўз орқали чизилган ҳаққоний портрети эмасми бу? Ҳар иккала мисрадаги таъсирчанлигининг кучлилиги ва ташбеҳларнинг ўта табиийлиги ҳар қандай талабчан шеърхонни, бинобарин, Алишер Навоийдек зукко шоирни ҳам ўзига ром этмай қўймаган. Бундай манзара ва инсон кайфиятининг ўшанга монанд

табиий ва фавқуллодда ифодасини яратиш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

Хўш, Мавлоно Соҳиб ким? Алишер Навоийнинг "Маҳолис ун-нафоис" асарида у ҳақдаги маълумотга кўра Мавлоно Соҳиб Астробод вилоятининг Кабуджомма мавзеидандир: "Мавлоно Соҳиб — кабуджомалигдур. Гойибона шатранжни ҳўб ўйнар ва таъбида жунун чошниси бор. Бу матлаъ анингдурким:

Дўстон, то кай ба қўшм манъам аз рафтан кунел,
Тарки рафтан чун нахоҳам қард, тарки ман кунел.

(Мазмуни: Дўстлар, қачонгача менга ёр кўчасига боришни ман қиласиз. Боришни мен тарк этмайман, мендан кечиб қўяқолинглар.) Муаммо айтур ва яхши очар..."

Навоий гулшани

Узоқ йиллар ўз мусоҳиби бўлган Мавлоно Соҳиб ҳақида Навоий кўп маълумот бермаган. Ҳатто унинг ижодда зултисонан эканлигини ҳам қайд этмаган. Бироқ энг муҳим хусусиятларини айтиб улгурган. Алишер Навоийнинг таъсири бўлса кераки, Мавлоно Соҳиб ўзбек тилида ҳам шеърлар машқ қилган, ҳатто шу даражага етганки, валинъмати ўз мулозими ижодига ҳавас қилиб, унинг байтига тазмин газал ёзган.

Мавлоно Соҳиб ҳақида Ғиёсиддин Хондамир "Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар" (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст) асарида муҳим маълумотларни анча кенгрок келтирган. Шу билан бирга, унинг тўлиқ исми ҳам шу асардан билиб оламиз: "Мавлоно Фаҳихиддин Соҳибдуро таъби соғлом ва эҳни ўткир бўлиб, чиройли хулқи ва мақтовга сазовор одоби билан ҳам Астробод фозилларининг боши эди. Шатранж ўйнида хоҳ катта, хоҳ кичикни ёки ёнида ҳозир ёки гойибни ютмай қўямасди. Қасида ва муаммолар назмида жуда моҳир эди.

Шариф вақтининг кўпини Амир Низомиддин Алишер жанобларининг хизматида ўтказди. Ул жанобнинг вафотидан сўнг мансур хоқон (Хусайн Бойқаро) саройига борди ва кутлуг китобхонанинг мудирлиги бўлиб, ичкилар қаторида саройга яқинлик байроғини кўтарди. Мавлоно Фаҳихиддиннинг нодир ашъори жумласидан ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер марсиасида битган қасида бўлиб, қасиданинг биринчи мисраси харфларидан абжад ҳисобида Амир Алишернинг тузилган санаси, сўнгги мисралар харфларидан ул ҳазратнинг вафоти тарихи чиқади. Мавлоно Соҳибдуро 917 (1511) йили Астробод шаҳрида вафот этди".


Ушбу маълумотлардан Мавлоно Соҳибнинг умри асосан Алишер Навоий мулозимлигида ўтгани ва қасидада ҳам гоят маҳоратли эканлиги (ҳар бир байтда абжад ҳисобида Алишер Навоийнинг тузилган ва вафоти тарихи санасини қайд эта олган) ҳамда яхши хулқи ва истеъдоди туфайли Хусайн Бойқаро ичкилари қаторига киритилгани диққатга сазовордир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Камсукум ва самимий инсон, таниқли ёзувчи ва шоир
Омон Мухтор ҳақиқий ижод кишиси эди. У бир умр
тинимсиз меҳнат қилди ва бунинг эвазига гўзал шеърлар,
дилбар ҳикоялар драма, романлар яратди.

Омон Мухтор ҳақида ўйлаганимда, дастлаб Бухорода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бўлими ташкил этилган йиллар ёдимга тушади. Ўша пайтда бўлим маъсул котиби бўлиб ишлаётган шоир Тошпўлат Ҳамиднинг саяёҳаракатлари билан Бухоро адабий муҳитида бир жонланаш рўй берди: у Бухоро давлат педагогика институтида, ўрта билим юртлири ва мактабларда бўлиб ижодкорларнинг, иқтидорли қаламкашларнинг бошини қовуштирди. Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимида ҳар ойда бир марта тўпланиб, ёзилган асарларни муҳокама қиладиган бўлди.

Бу тадбирларда шаҳар мактабларидан фақат икки нафар ўқувчигина фаол қатнашарди. Булар Омон Мухторов ҳамда Сафар Барноев эди. Ўша пайтлардаёқ Омон-



масжида, Минораи калон, Мирараб мадрасасига, кун ботарга юрилса, шаҳарни тенг иккига бўлиб оқадиган Шохруд каналига, қуйи томонга борилса, тандирсозлар гузари, шимолга бурилиб қадам ташланса қадимий Арка дуч келинади. Омон Мухторнинг болалиги шу жойларда ўтган. Бу манзара унинг қалбида, хотирасида ўчмас бўлиб муҳрланади, қўлга қалам олиши билан кўз ўнгига жонланаверади. Дарвоқе, адабнинг ўзи ёзади: "...Бухоро тарихи ҳаётига мурожат қилдим. Тасвир изладим. Лекин барибир, сезаман, булар кам, кам... Бухоро — бир уммон. Ҳар ким бир челақ-икки челақ сув тортади. Ортиги ҳеч кимга насиб этмаган. Бухоронинг мукамал тасвири йўқ".

Омон Мухтор бу боқий мавзуда кўп ва хўп ёзди. У ёзиш истагида Бухорога тез-тез ке-

НУРЛИ ИЗ

нинг кўп китоб ўқиганини пайқаганман. Муҳокамаларда у сўзга чиқиб, ўзининг фикрларини дадил ўртага ташларди. Ўқувчилар давридаёқ шеърлар, ҳикоялар машқ қиларди.

Эсимда, Жондорда муаллим бўлиб ишлайётганимда Тошкентга бориб, Омонни излаб топдим, у билан уч-тўрт кун шаҳар айланиб, мириқиб суҳбатлашдим.

Ўшанда у йигирма ёшда, ҳали талаба бўлса-да, адабий жамоатчиликка танилиб улгурганди. Шеърлари, ҳикоялари газета ва журналларда босилар, ўзи радио ва телевидение орқали чиқишлар қиларди.

Омон Мухтор қаерда ишласин — "Ўзбекфилм"дами, наشريёт ёки узоқ йил меҳнат қилган "Шарқ юлдузи" таҳририятида, албатта, вақт топиб дўстлар билан учрашиб, суҳбатлашиб турарди. Унинг Бухорога келиши биз учун шодийнага айланарди. Биргаликда қадимий шаҳар, туманларда бўлиб, шеърхонлиқлар қилардик. Бир гал таътилни пайти она шаҳрига келиб, уч-тўрт кун бемалол юрди, унинг иштирокида Қорақўл, Олот туманларида деҳқону чорвадорлар, ўқувчию шифокорлар билан учрашувлар ўтказдик. Омон даврамизнинг гули эди, ўзига хос оҳангда берилиб шеър ўқиганда мухлислар қарсақ чалар, минбарга қайта чиқишини сўрарди.

Омон Мухтор назм ва насрда асарлар ёзишни бир пайтда бошлаб, бир хил суръатда изчил давом эттирди. "Омадсиз одам", "Мастон Бува", "Қаҳратон", "Маржон", "Шаҳарлик келинчақ", "Зарифа" каби кўплаб ҳикоялар, "Болаликка саёҳат", "Вазифа", "Мўъжиза" сингари қиссалар яратди.

Кейинги йилларда эса, романнавис ёзувчи сифатида машҳур бўлди. Дастлабки романи "Йиллар шамоли"да Бухоро яқинидаги "Чаман" қишлоғида кечган воқеалар, қишлоқ ёшларининг ҳаёти қаламга олинган эди. Унинг романлари ҳажман катта эмас, 150-200 бет атрофида. Лекин мазмунан теранлиги, воқеаларининг қизиқарлилиги, образларининг пухта ишланганлиги, даврининг қўламли тарзда қаламга олингани билан эътибор қозонди, эътирофларга сазовор бўлди.

Адибнинг Давлат мукофоти билан тақдирланган икки китобдан иборат "Навоий ва рассом Абулхайр" романида Навоий ҳақида илгари ёзилган асарлар мазмунини тақдирламайди, муаллифни буюк шоирнинг ички олами қизиқтиради ва асарда бу очиб берилган. Шу билан бирга ҳозирги замонда яшаётган рассом Абулхайр образи воситасида ҳазрат Навоий замони бугунги давр билан ёнма-ён тасвирланади, бу ҳар қандай ёзувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Омон Мухтор бу асари билан ўзининг улкан ёзувчи, талантили шоирлигидан ташқари, йирик адабиётшунос, тилшунос, тарихшунос эканлигини намойиш этди.

Омон Мухтор 1941 йил 16 июлда Бухоронинг Ҳўжа Зайниддин маҳалласида туғилган. Ҳовиллари олдида ҳовуз, рўпарада масжид жойлашган. Оталари Сулаймонхўжа мадрасада бир неча йил мударрис бўлган. Уларнинг ҳовлисидан қучкичарга юрилса улкан жомеъ

Яхшидан боғ...

ёт ва санъат намояндалари ташвирлар буюрди. Омон Мухтор даврадошлар тақлифи билан янги ёзган газаллари, муҳаммасларидан ўқиди. Ўшанда у: "Мени вилоятнинг бошқа туманига ёзишган экан, ўзим Жондорни танаддим. Сизга ўхшаш оғайниларни бир кўриб, суҳбатлашиш ниятида бўлдим", деганди.

Чиндан ҳам Жондор Омон Мухтор учун қадрдон гўша ҳисобланарди. Охших қишлоғида улар оиласи уруш пайтларида бир муддат яшаган. Сулаймонхўжа қишлоқда кетмон чопиб, ширин-шакар қовун-тарвуз етиштирган, буни шу қишлоқ кексалари ҳозир ҳам тилларидан бол тоғлиб гапиришади. Оғар қишлоғидан Баҳром Мухторовлар хонадони ҳам Омон Мухтор учун қадрли эди.

Баҳром Мухторов узоқ йиллар Жондор тумани алоқа идорасида раҳбар бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада, кўп китоб ўқийди. Бироз бетоблиги сабаб уйда ўтиради. Уларнинг танишини қизик бўлган. Уруш йилларида жондорлик Баҳром Мухторовнинг Омон исми укасини оилада шароит оғир бўлгани боис, болалар уйига топширишади. Болалар уйи бошқа жойга қўчган, йиллар ўтиб, унинг манзили йўқолади... Бир кун ёзувчи Омон Мухторни жондорлик Мухторовлар телевизорда кўриб, уни укаларига ўхшатишади. Баҳром ака ёзувчи Омон Мухторни излаб Тошкентга келади ва бўлган воқеани айтади. Шунда Омон Бухорода туғилиб, шу ерда ўсганлигини, ота-онаси, опа-сингиллари, укалари борлигини айтади. Буни эшитгач, жондорлик Мухторовнинг кайфияти тушади.

— Э, сиз укамга жуда ўхшайсиз-да, — дейди у.

— Бўпти, — дейди Омон Мухтор, — менинг Бухорода, яъни оиламизда акам бўлмаган, бундан кейин сиз менинг акам бўлиб қоласиз!

Шу-шу улар ўртасидаги ака-укалик, борди-келди қанда бўлмай келарди.

Омон Мухтор Баҳром ака ҳовлисига кириши билан бир зумда ўғил, келинлар, неваралар — бутун оила ҳам бўлди...

Эртасига Омон билан суҳбатимиз Бухорода давом этди. У ўз режалари ҳақида гапириб, «Янги бир роман бошлаганман, яримдан ошиб қолди. Уни тугатишим керак, шунинг учун бугун кечқурун Тошкентга жунаб кетаяман», деган эди ўшанда.

Бу Омон Мухтор билан сўнгги дийдорлашув эканини билмабман... Омон Мухторнинг умри чексиз, ёзганлари — роману қиссалари, шеър уқоялари, саҳна асарларию публицистик мақолаларида, ёдномаларида давом этаётди. Бу нури умр, бу ном бундан бўён ҳам эзгуликка хизмат қилмоғи шак-шубҳасиздир.

Ғулом ШОМУРОД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоир

БАДИЙ ЖАРАЁННИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Истиклолга эришганимиздан сўнг барча соҳада бўлгани каби ўзбек олимлари учун ҳам кенг имкониятлар эшиғи очилди. Бугунги кунда турли йўналишда илмий фаолият олиб бораётган олимларимиз дунёнинг энг машҳур олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда тадқиқотлар қилишаётди, лойиҳаларда иштирок этишаётди, халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда ўз маърузалари билан гарблик олимлар эътирофи-га сазовор бўлишаётди.

Яқинда ЎЗМУ хорижий филология факультетида

фаолият юритиб келаётган ҳамкасб доцентлар Р.Ширинова ва Ж.Жумабоева билан биргаликда дунёнинг энг қадимий дорилфунунларидан бири — Италиянинг Болония университетида (1088 йилда ташкил топган) ўтказилган "Тархимада овқат ва маданият" деб номланган халқаро конференцияда иштирок этиб қайтдик. Мазкур илмий анжуман ташаббускорларидан бири профессор Линда Розато иштирокчиларни қутлар экан, Америка, Англия, Франция, Германия, Россия, Бразилия, Ҳиндистон, Эстония каби кўплаб мамлакатлар вакиллари орасида ўзбекистонлик олимларнинг ҳам иштирок этаётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Конференция давомида бугунги кунда тархима соҳаси маданий, иқтисодий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланган бораётганига яна бир қарра амин бўлди. Шуёбаларда овқат номларининг бадий адабиётларда қўлланиши ва уларни тархима қилиш муаммоси, таомномалар тархима, гастрономик махсулотлар номларининг икки тиллик лугатларини яратиш каби мавзулар бўйича маърузалар тинланди.

Ҳозирги пайтда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими кун сайин ошиб бормоқда. Ҳар бир сайёҳ қайси юрда бўлмасин шу халқнинг миллий ошхонаси билан танишишни ҳам исташи табиий. Зеро, халқ маданияти миллий таомлар орқали ҳам тарғиб этилади. Бинобарин, дунё туристик

тажрибасида кенг қўлланилаётган миллий таомлар билан таништириш, уларни тайёрлаш бўйича маҳорат дарсларини ўтказиш билан боғлиқ маърузалар анжуман давомида муҳокама қилинди. Афсуски, замонавий тархимашуносликнинг бу каби долзарб муаммолари ўзбек олимлари томонидан ҳали етарлича ўрганилмаган. Миллий таомлар тайёрланадиган ресторан, ошхоналар таомномаларини хорижий тилларга тархима қилишга доир масалалар эътиборимизни тортиди.

Шунингдек, ўзбекча-инглизча озиқ-овқат номлари тархимага оид махсус изохли лугатлар тайёрлашга жиддийроқ киришиш лозимлигини кўрсатди.

Биз маъруза қилган шўъбада бадий тархимада овқат номларини тузатиш муаммоси муҳокама қилинди. Экранда миллий таомларимиз намойиш этилиши ҳамон хорижликларнинг заъф билан берилиб қарашларидан, маърузалар тугагач бизга саволлар ёғилаётганидан, айниқса, иштирокчилар орасида Ўзбекистонда бир неча марта бўлган хорижликларнинг юртимиз, миллий таомларимиз ҳақидаги эътирофларидан қалбимиз фаҳрга тўлди.

Миллий таомларимиз билан боғлиқ маросимларимиз ҳақидаги маърузалар ҳам тингловчилар диққатини тортиди. Мазкур конференциядаги маърузаларимизга гарблик олимларнинг қизиқишлари юртимизда тархимашунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг жаҳон миқёсидаги илмий ишлардан кам эмаслигини кўрсатиб берди.

Миллатлар ва маданиятлар бир-бирига қардош, бир-бири билан ҳамоҳанг. Маданиятлараро алоқаларнинг ривожига эса, тархима соҳасининг хизмати бебаҳодир.

Ғулноза ОДИЛОВА,
ЎЗМУ доценти,
филология фанлари номзоиди

Китобдан яхши дўст бўлмас

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан таниқли адиб ва тархимон, шарқшунос олим Ғулом Каримийнинг "Лангар фожиаси" номли китоби чоп этилди.

Ушбу тарихий роман воқеалари XX асрнинг биринчи ярмида ўлкамизнинг жанубий ҳудудлари ҳамда Лангар қишлоғи атрофида бўлиб ўтади. Роман икки бўлимдан таркиб топган бўлиб, унда ўзбек халқи ўтган аср аввалида бошидан кечирган зулм ва қатагонлар, халқ турмушининг кенг



ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

қўламли манзараси бадий акс эттирилган. Асардаги қадимий Лангар қишлоғи тарихига оид фактлар ва ривоятлар асосида тасвирланган бадий лавҳалар, севги қиссалари, айниқса, гўдаклигидан ота-онадан жудо бўлиб, тақдирлари айро тушган эгизаклар — Яшар(Ҳасан) ва Нодира(Зухра)нинг кўрган-кечирганлари тасвири беихтиёр китобхон эътиборини тортиди.


"... Араб ва ўзбек адабиётларида роман жанрига асос солган Журжий Зайдон ва Абдулла Қодирий асарларидан таъсирланган, уларнинг тарихий романларини ўқиб ижодкор сифатида шаклланган Ғулом Каримий тарихий роман олдига қўйилган ва-зифаларни уddалаган", дейди тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов китобга ёзган сўзбошида.

Китобхон қалбини ёруғ туйғулар билан тўлдирадиган ишқ-муҳаббатнинг гўзал тасвирлари, ғаройиб тақдирлар талқини, шунингдек, детектив унсурлар ҳамда қадим тарихига оид ҳужжатлар баёни бу йирик ва жиддий романнинг мароқ билан ўқилишини таъминлаган омиллардандир.

Вазира ИБРОҲИМОВА

ТИРИКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Тўлаган Тожиқжаев матоларга замон руҳини, замондошларимиз қиёфасини муҳрлаб, гўзал санъат асарлари билан муҳлислар эътирофига сазовор бўлаётган рассомлардан.



Айниқса, Мустақиллик йилларида у фаол ижод қилмоқда. Дастгоҳли ҳайкалтарошлик намуналари орасида "Оналик", "Қиёфа", "Кураш", "Беҳзод", "Тўлқин бўйлаб", "Қўза кўтарган қиз", "Алишер Навоий", "Ойбек", "Кузатиш" каби асарлари, айниқса, эътиборни тортади. Муаллиф "Оналик" асарида оналик бахтини ифодалашга ҳаракат қилган. "Орзиқ" асарида эса Қушон даврига хос қиёфада тасвирланган ҳомилдор аёл қалбидаги ширин орзулар, кечинмалар қўлидаги митти

гул орқали ифодаланган. Уни томоша қилаётиб ўз вужудида камолга етаётган фарзандини қўллари тафти билан эркалаётган, уни кўриш бахти қалбига ширин орзулар солган аёл кечинмаларини ҳис этасиз. Мазкур ҳайкал Ўзбекистон давлат санъат музейи коллекциясидан ўрин олган.

Т.Тожиқжаевнинг дастгоҳли ҳайкалтарошлик намуналари ҳам талайгина. "Беҳзод" ушбу йўналишда ишланган сара асарлардан бири. Унда буюк мусаввир Камолитдин Беҳзод

ижодий изланиш палласида тасвирланган. Нақшинкор курси устида ижод учун барча нарсашай. Лекин мусаввир табиат ижоди бўлган гул гунчасини синчиклаб кузатаётди. Унинг юзида, синчков нигоҳларида она табиат ижодидан, маҳоратидан ҳайрат мужассам. Ҳайкалтарош Беҳзод ижодий изланишлари жараёнини тасвирлашга ҳаракат қилган.

"Ойбек" асари эса образ романтик руҳда гавдалантирилгани билан аҳамиятли. Шоир қўлида наъматак шохчасини ушлаган ҳолда ўйга толган. Гўёки қоядаги нафис чайқалиб турган наъматак гулларига қараб ҳаёлан "Наъматак" шеърини битмоқда. Шоир ижодидан тўлқинланган ҳайкалтарош атоқли адибни ижодий фикрлар қуршовида тасвирлаган. Она табиат мўъжизаларидан ҳайратланган адиб юзларига урилган майин шамол сочларини тўзгитида. Бу ҳолат низоҳатда табиий чиққан.

Ҳайкалтарошнинг рамзий йўналишдаги асарлари ҳам унинг бой ижодий фантазияси, пластик ҳаракатлари моҳирона тасвирлай олишдан далолат беради. Тошкент вокзалига ўрнатилган "Тошкент герби" ҳамда "Ucell" рамзи фикримиз далилидир.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Т.Тожиқжаевни муҳлислар ва мутахассислар юртимизда таъсис этилган қўлаб мукофотлар учун ишланган

ҳайкалчалар муаллифи сифатида ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. "Интернет.uz", "Озод юрт тўлкинлари", "Ёшлар парвози", Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг махсус мукофотларида ишланган тимсоллар бунинг исботидир.

Айни кунларда Т.Тожиқжаев ҳайкалтарошликнинг барча йўналишларида маҳорат билан ижод қилмоқда. Ҳайкалларни ишлашда гипс, туринж, шамот, бронзадан, шунингдек, турли тошлардан фойдаланади. Айниқса, оникс ва "илон изи" тошлари билан ишлаш унга илҳом, кўтаринки кайфият бахш этади.

Анъанавий мавзуларга замонавий нуқтаи назардан ёндошадиган ҳайкалтарош тарихий мавзуда ҳам қатор асарлар яратмоқда. Энг сўнгги асарларидан бири ҳаёт ҳақида. Қадимги юнон анъаналари асосида маъбудаларга нисбат бериб ишланган ушбу дастгоҳли пластика асарида ҳаёт — Аёл тимсолида ифодаланади. Гулга бурканган ҳаёт қўнида тасвирланган аёл қўлида гунча, яъни тугилиш, яралиш рамзини ушлаб турибди. Чуқур фалсафий маънони ўзида мужассам этган мазкур ҳайкал тасвирида романтик хусусиятлар устунлик қилади. Ҳаётнинг давомийлиги, абадийлиги тимсоли бўлган бу ҳайкал инсонни яшашдан завқланишга, умрнинг ҳар бир лаҳзасини мазмундор ўтказишга чорлайди.

Гулираёно ОРИФЖОНОВА,
ЎЗМУ талабаси

БЕШИКДАГИ ҲИҚМАТ

Мирҳаким Илёсов тошкентлик машҳур бешиксоз Миркомил устанинг тўртинчи авлоди. Отаси Мирзиёд уста мурғаклигидек ушбу ҳунар сирларини ўргатган. Бугун мамлакатимиздаги моҳир бешиксозлардан бири сифатида танилган. Мирҳаким ака илк бор ёгоч йўнганларини ўзгача завқ билан эслайди. Устахонадаги иш жараёни болани ўзига маҳлиё қилиб қўярди. Шунданми, тинмай унайверар, билмаганини отасидан сўрайвериш ҳоли-жонига қўймасди. Уста бағрикенг одам. Ўғлига ётиги билан тушунтирди, ҳатто бундай қилиш керак, деб кўрсатиб берди. Кичкина шогирд эса тийрақлик билан қўзғатди, ғайрати ўшди, отасининг қўлидан асобони олди-да, ишга киришди. Мирҳаким қисқа фурсатда даста, эмоҳ, оёқларни ясаб ташлади. Бутлаш эса ҳеч гапмас, ёгоч миҳ билан чегалади-қўйди. Аммо негадир отаси ясаган бешикдай чиқмади. Яна биттани ясади, яна, яна. Хуноби ошди. Шунда уста ёш шогирдини қаршисига ўтказиб: "Меҳр камлик қилаяпти, болам, меҳр. Бир чимдимгина бўлса кифоя", деди. Мирҳаким ўзида ана шу меҳри тополмай роса овора бўлди. Сунгра, отасининг ишини бир чеккада ўтириб кузатди.

Уста меваги тут дарахтини саратоннинг жазирасида обдон курибди. Тақирлаб қолган дарахт пўстлогини яхшилаб қирди, ғадир-будир жойларини текислади. Қумқозда олачалоқ ёгончи силлиқлаб, яшнатди. Тайёр ёгочдан бирпасда бинойиди бешик ясади. Дастага тарам-тарам қабарик солиб, бежирим гул чекишни ҳам қўйиллатди. Айтарли кўп меҳнат эмас, аммо бир ҳафта вақт кетди. Бундан ташқари юксак дид ва қалб қўри ҳам жо бўлиб, бешикнинг сифати билан уйғунлашиб кетди.

Энг муҳими, ота фарзандининг кўнглида

хунарга бўлган муҳаббат ўтини ёқа билди. Мана орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтаптики, ўша аланга сусайгани йўқ, ҳали-ҳануз фарзандлари, шогирдларининг қалбига ўт солиб турибди.

Мирҳаким аканинг турмуш йўлдоши Нигора опа кўз шифокори. У ўттиз икки йиллик тажрибага эга бўлса-да, бешиксозликка ҳам айрича меҳр қўйган. Меҳрки, бешикка зеб беришда унинг олдига тушадиган кам топилади. Дарвоқе, у келинлик давридан бери бешик дасталарига гул чизади, анвоий рангларга бўяйди. Ёпинчик, тагликлар тикади.

Бешикда ҳиқмат кўп, — дейди у. — Бўла-ёқин ором олади, оёқ-қўли текис, равои ўсади. Муҳими, у соғлом бўлади. Тўғри, бунда алланинг ҳам ўрни катта. Момоларимиз айтиб келган, халқона аллалар чақалоққа маънавий озиқ беради. Она-Ватанга меҳру муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялайди. Аслида она-Ватанимизнинг ўзи энг улуг бешик. Бу бешикда келажақ улғайпти, камол топаёпти. Ҳиқматнинг бари мана шунда жам.

Муроджон оиланинг тўнғичи. Миркомил устаннинг бешинчи авлоди. У тўққиз ёшидан бошлаб отасининг ёнига кириб, хунарининг сирасорини ўрганиб келади. Хунарининг этакини тутганлар ҳеч қачон кам бўлмаган.

Мана, Муроджон, кечагина ҳаваскор эди, бугун эса шинаванда. Шинавандаки, бешикнинг ўндан ортқ турини ясаш қўлидан келади. Шундай бўлса-да, кўнглида ҳамон ҳадик бор. "Устахонанинг турига бош бобининг қўли теккан бешикни илиб қўйибман. Бу бешик мени мудом заҳмат чекиб ишлашга, хунарга меҳру муҳаббатини бахшида этишга ундайди. Отам ҳалигача айтди, ўғлим, ҳар бешикнинг ўз олами бор, уни ясашга киришдингми, бор меҳрингни бер, шунда муродга етасан. Ҳар гал ишга киришганимда бу бешикда элимизнинг бахтиёр фарзандлари ором олиш, ўсиб-ўлғайишни юрагимдан ўтказаман. Ростки, бу ўй менга куч беради, маза қилиб, бутун вужудимни бериб ишлайман".

Мирҳаким ака ва оила аъзолари ана шундай олижаноб мақсад билан тер тўкишади. Киши ўзини фарзандлар тақдирига, юрт келажагига дахлдор деб билиши катта бахт!

Муҳаммадмурод СОДИКОВ



МУНАҚҚИД ҲАМ ИЖОДКОР

Мусаввир ўз ижоди орқали нафақат ички менини, балки ўзи мансуб бўлган халқнинг, миллатнинг қиёфасини ҳам акс эттиради. Бинобарин, мусаввирнинг ижодий фаолияти билан муҳит, макон ўртасида диалектик боғлиқлик бўлиши шарт.

Ушбу диалектик боғлиқлик, назаримизда, ижтимоий муҳитнинг эстетик эҳтиёжидан ҳам мусаввирнинг ижодий фаолиятида акс этади. Мазкур икки омил, яъни бир томондан, ижтимоий муҳит эҳтиёжи, иккинчи томондан, мусаввир ижодий фаолияти бадий танқидчиликнинг манбаидир.

Лекин мусаввир билан томошабиннинг ижодий фаолияти доим ҳам уйғунлик ҳосил қилавермайди. Мусаввир фаолияти П.Валери ёзганидек, "лойихалаштирилган" бўлади, яъни ижодкор ўз изланишларини нимага бағишлаётганини олдиндан билади. Томошабин эса санъат асарларига ўзининг эстетик эҳтиёжини қондирувчи бир восита сифатида қарайди. Ушбу эстетик эҳтиёж томошабинни бирор нимани яратишга ундаса, рўёбга чик-

маган қобилиятларини намоён этса, унинг мусаввир билан бевосита ижодий ҳамкорлиги, мулоқоти юзага келади. Аслида тасвирий санъатнинг фалсафий-эстетик моҳияти ҳам шунда. Бироқ тажриба кўрсатадики, тасвирий санъатнинг таъсири қўпичча, томошабиннинг эстетик талабларини қондириш поғонасида қолиб кетади.

Бадий танқидчилик қўпичча тасвирий санъатнинг томошабинга таъсиридан, унинг омалаштиридан келиб чиқади. Санъатни ижтимоий борлигининг инъикоси сифатида қараш танқидчини ушбу позициядан туриб фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Аслида эса танқидчилик мусаввир-томошабин ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан тугамайди, у рассом ижодининг жамиятнинг

эстетик дидига, тасвирий санъат тарихи ва назариясига таъсири каби мавзуларни ҳам тадқиқ қилади. Хуллас, борлиқ — мусаввир — томошабин — жамият тизими ўртасидаги муносабат мурраккаб ва ранг-баранг хусусиятга эга. Инсон фаолиятининг эстетик онг, эстетик ижод билан боғлиқ барча томонлари бадий танқидчилик объекти бўлиши мумкин. Қаер-

Шахсий мулоҳаза

да бадий маданият ва бадий-ижодий фаолият бўлса, шу ерда бадий танқидчилик ҳам мавжуд. Айнан шу нуктада бадий танқидчиликнинг ўзи ижодий фаолият тури сифатида намоён бўлади.


Агар танқидчида тасвирий санъатнинг ички қонуниятлари ва ривожланиш хусусиятлари ҳақида зарур билим бўлмаса, у мусаввир ижодини ҳам, тасвирий санъатдаги оқимларни ҳам тўғри баҳолай олмайди, ё мактовга берилади, ёки сийқа тафсилотлар билан чекланади ҳолос.

Томошабинда бадий билимнинг етишмаслиги

танқидчи табиий ҳол сифатида қарайди. У томошабиндан бундай билимни, мусаввирдан ёки ўзидан талаб қилгандек, талаб қилолмайди. Демак, бадий танқидчиликнинг фалсафий-эстетик моҳияти мусаввир ва унинг асаридаги бадий ғояларни, билимларни ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда омалаштириш билан белгиланади. Ваҳоланки, бугунги ижодий жараёнга чуқурроқ назар ташлаган одам бизда бадий танқидчилик тасвирий санъатдаги ўзгаришлар ва изланишлардан бир қадар орқада қолаётганини сезади. Бу ҳолни матбуотда, радио-телевидениеда Ўзбекистон тасвирий санъатдаги бадий-эстетик изланишларнинг моҳияти, уларнинг инсон маънавиятига таъсири, умуман, бу соҳада рўй бераётган ўзгаришлар атрофлича ёритилмаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Бинобарин, муҳлислар, хусусан, ёшларда бу каби изланишларга эҳтиёж катта эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Лазизжон БАХРАНОВ,
Санъат ва маданият институти ўқитувчиси

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти



Халқона қўшиқлар муаллифи

Матёё Боогаарц — замонавий француз музикасининг таниқли вакили. Ижодий фаолиятини ўн уч ёшида бошлаган хонанда ўзига хос юморга йўрилган, қувноқ қўшиқлари билан шўҳрат қозонган. Унинг қўшиқлари, айниқса, Африка мамлакатларида жуда машҳур. Дарвоқе, Боогаарц моҳир созанда сифатида ҳам танилган. Аксарият қўшиқларини гитара жўрлигида ижро этади. Уларни диққат билан тинглаган муҳлислар ижодкор турли халқларнинг музикаий меросидан кенг фойдаланганини, албатта, пайқайди. Хонанданинг қўшиқлари ўзига хос жозибага, бетакрор оҳангларга бойлиги сабаби ҳам шунда.

Яқинда франциялик машҳур хонанда поятхтимизда ўз концерт дастурини ҳавола этди. Франция элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясида ташкил этилган ушбу тадбир чинакам қўй ва қўшиқ байрамга айланган. Концерт давомида Боогаарц ўнга яқин музикаий альбомлари тарқибга кирувчи ранг-баранг услуб ва йўналишдаги қўшиқларни ижро этди. Шунингдек, муҳлислар франциялик хонанданинг "Mathieu Boogaerts" номи сўнгги тўпламига кирган сара композицияларини ҳам тинглаш имконига эга бўлишди.

"Нихол" совриндори Японияда

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Нихол" мукофотининг совриндорлари бугун жаҳон сахналарида ҳам ўз истеъдодини намоён этмоқда. Ана шундай иқтидорли ёшлардан бири, моҳир пианино ижрочиси Беҳзод Абдураимов яқинда Япониянинг "Саитама" ҳамда "NHK Hall" санъат саройларида концерт кечасини ўтказди.

"Саитама" саройида Беҳзод Бетховен, Шопен, Сен-Санс, Равель каби машҳур композиторлар асарларини яққоҳон ижро этган бўлса, "NHK" телекомпанияси томошагоҳида ёш созанда В.Ашқиназе раҳбарлигидаги симфоник оркестр билан биргаликда Штраусс, Шуберт, Рахманиновнинг ўлмас асарларига янги оҳанг бағишлади. "Нихол" совриндорининг ижро маҳорати барча япониялик муҳлисларни ҳайратга солди. Ай-

ниқса, ёш созанданинг музикаий оҳангларни ўта нозик ҳис қилиш қобилиятига эга экани, машҳур бастакорлар ижодини теран тушуниши алоҳида эътироф этилди.

"Саитама" саройининг бадий раҳбари К.Йошионинг таъкидлашича, ўзбек ва япон созандалари иштирокидаги концерт кечаларини мунтазам ташкил этиш режалаштирилмоқда. Зеро, бундай тадбирлар икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, Беҳзод Абдураимов каби ноёб истеъдод эгаларини кашф этиш имконини ҳам беради.

"Бир картина ва минг бир афсона"

Тасвирий санъат йўналишидаги янги рекордларни фақат машҳур рассомлар қаламига мансуб асарлар савдоси билан шугулланувчи аукцион уйлари қайд этади, деб ўйласангиз адашасиз. Ҳозирги кунда ҳам моҳир мусаввирлар борки, улар яратган ижод намуналари Уйғониш даври классикларининг ма-



ҳобатли рангтасвир асарлари сингари муҳлисларни ҳайратга солишга қодир. Шундай истеъдодли ижодкорлар қаторида ўзбекистонлик таниқли рассом Леким Иброҳимовни ҳам эътироф этиш мумкин. Узоқ йиллардан буён рангтасвир йўналишида ижод қилиб келаятган мусаввир 2012 йили ўзига хос дунё рекорди ўрнатишга эришди. Рассом Чехиянинг Прага шаҳридаги марказий майдонлардан бирида "Бир картина ва минг бир афсона" деб номланган улкан асарининг тақдирини ўтказди. Эни олтинчи олти метр, бўйи эса саккиз метр бўлган ижод намунасининг вазни йигирма икки тоннани ташкил қилди. Кўргазма ташкилотчиларининг эътирофига қўра, мазкур асар тасвирий санъат тарихидаги энг катта картина сифатида рекорд ўрнатган. Маҳобатли асар роппа-росса мингта алоҳида картина асосида яратилиб, уларнинг ҳар бирида Шарқ афсоналари таъсирида яратилган гаройиб образлар тасвирланган.

Европалик санъат ихлосмандларини лол қолдирган "Бир картина ва минг бир афсона" асарига тез орада мамлакатимиз санъат ихлосмандлари ҳам баҳо бериш имконига эга бўлишди. Ушбу гаройиб асар намоёйишини ХХ халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси доирасида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Муҳриддин ХАМРОЕВ

Журналларни varaқлағанда

"ЁШЛИК" 2014 йил, 5-сон

Журналнинг янги сонидан насримизнинг назқирон авлод вакилларида Равшан Йўлдошнинг "Арвоҳ иши" қиссаси, Баҳром Мирзанинг "От минган одамлар" ва Дилором Дилоҳнинг "Тўлғано" хикоялари босилган. Қиссада ҳуқуқ ҳимоячиларининг тезкор ва синчков фаолияти туфайли фош этилган бир жиноят тасвирланса, хикояларда азалий қадриятларимиз, инсоний фазилатлар ҳамда севиғи-муҳаббат мавзуси қаламга олинган.

Собир Унанинг тарихий олим Каҳрамон Ражабов билан суҳбати XIX аср Бухоро тарихи, мангилар сулоласига доир воқеа-ҳодисалар ҳақида. Шоира Зебо Мирзанинг "Шамоллар хисларга солади титроқ" сарлавҳали туркумига жамланган шеърларда соғинч, севиғи, хотиротнинг аламли, бироқ порлоқ лаҳзалари тиник, таъсирчан чиқилган. "Хотира" руқнда берилган Назар Шукур ижодидан намуналар, Эгамберди Мустафоев, Манзура Эгамбердиева ва бир гуруҳ бошловчи ёш қаламқашларнинг шеърини маълумлари ҳам журналнинг ушбу сонидан жой олган.

Адабиётшунослик ва адабий жараёнинг долзарб мавзуларига бағишланган В.Раҳмоновнинг "Бир тарихий фожиа сирин", М.Давроновнинг "Шеърятда руҳият манзараси", С.Мўминовнинг "Туйғулар туғени", Н.Султоновнинг "Одил Ёқубовнинг сўнгги мактуби" ҳамда кино санъати, "оммавий маданият" ҳақидаги мақолалар ҳам ўқувчиларга манзур бўлиши тайин. "Елпигин" руқнда А.Чеховнинг "Турмуш-мушт" (Т.Тангрибергнов таржимаси) хикоясини ўқийсиз.

"МОЗИЙДАН САДО"

2014 йил, 2-сон

Журналнинг навбатдаги сони бугунги кунда қизил-яшилдан Фаргона водийси ўтмиши ва яқин тарихига бағишланган. "Самовий аргумоклар водийси" деб номланган бош мақола водий ҳақидаги умумий маълумотлар билан таништиради. Ш.Камолитдиннинг "Фаргона қадими ва ўрта асрларда", А.Ҳақиевнинг "Қадимий Фаргона Хитой сайёҳлари нигоҳида", Б.Матбобоев ва З.Машрабовнинг "Андижон қадим ва ўрта асрларда", Э.Мирзаалиевнинг "Тош суратлар тилсини" мақолаларида воҳа тарихига оид қизиқарли далиллар келтирилиб, халқ маданият-бадий ҳаётининг турли жаҳаллари ёритилган.

Меъморчилик, санъатшунослик, хунарамдлик мавзулари журнал мундариҳасини бойитган. А.Ҳақимовнинг "Ўзбекистон давлат санъат музейи жамламасидаги ноёб Фаргона сўзанаси", З.Носировнинг "Фаргона водийси бадий хунарамдчилиги", У.Мансуровнинг "XIX-XX асрлар Қўқон меъморчилиги" мақолалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Б.Каримовнинг "Вамбери — ўзбек шеърини оғушта қалб" мақола-сида машҳур венгер сайёҳи Армений Вамбери ўз асарларида Туркистон тарихи тўғрисида қimmatли маълумотлар бериш билан бир қаторда, Амийр ва Мунис тўғрисида мухтасар маълумотлар ёзиб, уларнинг асарларидан намуналар таржима қилиб, Европа маърифат ахлига етказгани ҳақида хикоя қилинса, М.Аҳмедовнинг "Водий чойхоналари" мақола-сида чойхоналарнинг пайдо бўлиш тарихи, чойхоначилик ҳақида қўпчилиққа номаълум далиллар келтирилади.

MOZIYDAN SADO



Сўғдиёна ШУКУРОВА

“Ўзбекфилм” киностудияси ўқув курсларига танлов эълон қилади

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида “Ўзбекфилм” киностудиясида болалар учун мўлжалланган тўлиқ метражли мультипликацион филм ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриломоқда.

Шу муносабат билан “Ўзбекфилм” киностудияси расмий аниматорларни тайёрлаш мақсадида уч ойлик бепул ўқув курсларига тингловчиларни таклиф этади.

Ушбу ўқув курсига тингловчилар ижодий танлов асосида саралаб олинади. Танловда истеъдодли графика рассомлари ва ушбу соҳага қизиқиши бўлган мусаввирлар иштирок этишлари мумкин.

Қабул жорий йилнинг 1 июлидан 15 июлига қадар соат 10.00дан 18.00гача “Ўзбекфилм” киностудиясида ўтказилади.


Танлов икки босқичдан иборат. Биринчи босқич — эртақдан танлаб олинган парча учун бадий сурат чизиш.

Иккинчи босқич — ижодий суҳбат. Ўқув дастури якуни бўйича ўқувчилар киностудияда иш билан таъминланадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри;
Чилонзор кўчаси 1-уй,
“Ўзбекфилм” киностудияси.
Қўшимча маълумот учун телефонлар:
277-12-95, (93) 564-90-33

«O'ZBEKISTON» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларимизни, журналист ва
ноширлар, матбаа ходимларини касб
байрами — Матбуот ва ОАВ ходимлари куни
билан самимий муборакбод этади!
Ёш авлод маънавиятини юксалтириш,
мустақил Ватанимиз равнақи, халқимизнинг
порлоқ истиқболи йўлидаги фаолиятингизда
доимо ёрқин ютуқлар, ижодий парвозлар ёр
бўлишини тилайди.



Кун пешиндан оққанда осмоннинг эркатой қизи юзига парда тортиди. Баҳор-ёз ўртасидаги болакай табиат ўз шўхлигини қилди. Шаррос қўйган ёмғир томчилари диллардаги ховурни босиб, талабаланинг хайрлашув мадҳиясига жўр бўлди. Унинг шўх-шодон шариллаши, муаттар ифори қўшиққа муносиб либос каби қалбларимизга завқу шавқ улашди. Байрамона безатилган факултет боғи ва бежирим дастурхон чор-атрофиди қий-чув солиб бир-бирининг ширин дийдорига талпинаётган битирувчи-

тундан улғу олган устозлар катта ҳаётга яна бир гуруҳ оқушларини учирма қилганидан, юксак парвоз тилаганидан бениҳоя шод. Иқтидори ва аъло ҳули билан ажралиб турган талабалар тақдирланаётганида куёш-бобонинг нигоҳлари булутларни ёриб заминни эркалай бошлади.

«Талабалик олтин даврим» қўшиғи баралла янграганида эса қўллар-қўлга, диллар-дилга тутади. Эҳ, менинг университетим, шаҳарчам, устозларим ва, ва азиз курсдошларим! Наҳот-

сенсан, университетим! Утган тўрт йил давомида гоҳ қўшларга қўшилиб осмонларни макон айладик, гоҳида эса чеки йўқ илмининг уммонида шўнғидик. Гоҳ келажакка қанот — 80 дақиқанинг қадрига етмай соатларни олдинга сурдик. Узоқ тунлар юлдузлар билан суҳбатлашиб, дарсларингдан оғринганимизни сирлашдик, ёстисимон китобларинг устига бош қўйиб нотинчгина уй-куга кетдик. Баъзида дарсга кечикганимизда эса аял-таял ўзимиз ҳам “истеъдодимизга” қойил

Қатра

устига бош қўйиб нотинчгина уй-куга кетдик. Баъзида дарсга кечикганимизда эса аял-таял ўзимиз ҳам “истеъдодимизга” қойил

У болалик орзуларим, ниятларимнинг гувоҳи. 365 кундан ҳам баҳорнинг ифори таралиб турадиган талабалар шаҳарчасига мени етаклаган, болалик ва ёшлиқ ўртасидаги сеҳрли кўприкка, чин маънода кумуш эмас олтин дамларга етказган мажнунтол! Ҳар гал сўнги кўнгирик садолари мен учун янграганида дилдошим дийдорига талпинардим. Бугун эса...

Кўнгирик садолари ҳаёлимни бузди. Бу таълим олиш босқичининг кўпчилиги учун балки сўнги ҳаяжонли кўнгирик бонгларидир. Энди мустақил ҳаёт тақдир кўнгирикимизни чалади.

Байрам тугади. Университет остонасидан секин илдамлаб борарканман, кимдир чақиргандек бўлади. Қайриланман. Факултетимиз жойлашган бош бино, улкан китоб монументи. Улар бири-бирига шунчалик уйқаш ва гўзалки, бу даргоҳда таълим олганидан, шундай улғу Ватанда улғайганимдан, илмда тенгсиз устозларим борлигидан фахрланиб кетдим. Кўзларимда ёш айланиб, бўғзимга бир сўз қадалди: “Сизни соғинаман!!!”

Гулчехра АШУРОВА,
ЎЗМУ ўзбек филологияси
факултети битирувчиси

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигида фаолият кўрсатган «Adib nashriyoti» МЧЖ тугатилади. Давво ва аризалар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида қабул қилинади.

Болалар бекати

АСАПАРИ

Ачмлашиб кўришар
Гуллар билан эрталаб.
Ҳар бирини ўпади
Асалари эркалаб.

Завққа тўлган болалар
Қўлаб чалишар қарсақ.
Дейшар: «Бизга басдир,
Тўйиб-тўйиб бол есақ».

ОПЧАМ

Қаранг-чи, олчам
Бериб нишона.
Бу йил у мева
Қилди беш дона.

Пишса ёяман
Сизга дастурхон.
Дўстларим қилиб
Бўлингиз меҳмон.

ЎРИК

Мен мазали
Пайванд ўрик.
Балки шундан
Мевам йирик.

Мағзим мисли
Қанду асал.
Шифо топар
Еса касал.

Оллоберган ПЎЛАТ

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Роберт Бёрнс ва халқ оғзаки ужоаи

Роберт Бёрнс (1759—1796) туғилган 25 январ куни ҳар йили Шотландияда миллий байрам сифатида нишонланади. Шу куни шоир хотирасига эҳтиром рамзи сифатида унинг шотланд миллий куйларига ҳамоҳанг шеърлари асосида яратилган омонлик руҳидаги тиловат янграйди. Буюк романтик шоир ижодининг бутун дунёдаги мухлислари ҳам бу кунни байрам қиладилар.

Робертнинг отаси ўғилларини жуда эрта оғир ишларга жалб этган. Шу боис у очлик азобини ҳам татиб кўрган ва бу соғлигида жиддий асорат қолдирган. Ишдан озод бўлган қисқа танаффус чоғлари ёш Роберт ўқиш мумкин бўлган нимаики қўлга тушса, бор овози билан қўшиқ қилиб айтган. Онаси ва уй хизматчисидан халқ оғзаки ижодини ўзлаштирган. Бу жиҳат шоир ижодининг муҳим қирраси бўлиб қолади. «Икки подачи» ва «Риёкор Вилли тиловати» каби сатирик дostonларидан сўнг танилган Бёрнс “Асосан шотланд шевасида ёзилган шеърлар”и босилгач, жуда машҳур бўлиб кетди.

Пойтахт Эденбургда яшаётганида халқ фольклорининг ашаддий мухлиси Ж. Жонсон билан танишади ва ҳамкорликда “Шотланд музиксининг илҳом париси” деб номланган тўплам нашр этишга киришади. Умри охиригача унинг муҳаррири бўлади. Турли манбалардан синчковлик билан қуй ва матнлар тўпланади. Қайсидир манбада бирорта мисра йўқолган ёки бепардор қўйилса, шоир уларни ўз ижоди билан тўлдирди. Бу ишни санъаткорона маҳорат ила бажарадики, уларни халқ фольклоридан асло ажратиб бўлмайди. Р.Бёрнс Эденбургда “Хусусий қашшоқлик” ҳамда “Тэм о’Шентер” каби машҳур дostonларини ёзди, икки жилдлик шеърлар тўплами қайта чоп этилади. “Асл шотланд куйлари” тўплами устида иш бошлайди. Бироқ айти 37 ёшида соғлиғи ёмонлашиб, юраги уришдан тўхтади.

Адабиётшунослар ааааа тарзидаги олти мисрали шеър бандлар шаклини ҳам Роберт Бёрнс номи билан боғлашади. Бёрнснинг кўплаб асарлари бошидан қўшиқ сифатида ёки халқ ашуллари куйига монанд ҳолда ёзилган. Шoirнинг назми содда ва оҳангдор, шу сабабли ўз тилида ҳам, бошқа тилларга таржимада ҳам тез қўшиққа айланади. Роберт Бёрнснинг “Қўшиқ ва балладалар” китоби 1971 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таржимасида, “Ёр кўнглининг қиролиман” китоби эса 2013 йили инглиз тилидан Бегийим Холбекова таржимасида ўзбек тилида чоп этилган. Композиторлар замонавий филмларга қўшиқ ёзиш ва машҳур хонандалар альбомларини тайёрлашда ҳам Роберт Бёрнс шеърларига кўп мурожаат қиладилар.

Ойлаги Жюл Верн

“Сирли орол”, “Капитан Грант болалари”, “Ҳашт ёшли капитан” каби унлаб ғаройиб саргузаштларга бой ҳамда илмий фантастик асарлари билан машҳур бўлган француз адиби Жюл Верн (1828-1905)нинг бутун ижоди 66 роман, 20 қисса ва хикоялар, 30 пьеса ва бир қанча ҳужжатли китоблардан иборат. Унинг асарларида ўз даврида тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган кўплаб башоратлар, масалан, акваланглар, ойнаи жаҳон, жазо воситаси — электр стул, учуш аппаратлари, сув ости кемаси, самолёт, вертолёт, шунингдек, ракетаалар ва коинотга парвоз, сайёраларо саёхатлар, бурғилаш қурилмаси тилга олинган.

Жюл Верн асарлари илмий романтикага мойиллиги, таракқиётга ишончи, фикр кучи олдидаги таъзими билан ажралиб туради. У ўз асарларида миллий озолиқ курашларини ҳам хайрихоҳлик билан тасвирлаган. Бу китобларни мутолаа қилган ўқувчи нафақат техника ва саёхатларнинг завқли изоҳи, айтиш чоғда олийҳиммат қаҳрамонлар (Гаттерс, Грант, Немо), ғалати табиатли ёқимтой олимлар (профессор Лиденброк, доктор Клоубонни, географ Жак Паганель)нинг ёрқин образлари тасвирдан ҳам баҳраманд бўлади. Шу билан бирга адиб ҳаётининг сўнги йиллари ёзилган “Ватан байроғи”, “Дунё ҳукмдори”, “Барсак экспедициясининг ғаройиб саргузаштлари” каби романларда илм-фан ютуқларининг жиний мақсадларда қўлланишидан қўрқиш хисси акс этган.

Жюл Верн “Сен-Мишел-I”, “Сен-Мишел-II”, “Сен-Мишел-III” деб номланган ўз яхталарида Англия, Шотландия, Скандинавия, Нидерландия, Германия ва Данияга борган, Жазиор, Италия ва Мальта оролгача саёхат қилган. “Грейт-Истерн” кемасида Атлантика уммони оша Америка Қўшма Штатларига ўтиб, Нью-Йорк ва Ниагара шаршарасини томоша қилган. “Ғаройиб саёхат”, “Сузувчи шаҳар”, “Қора Хиндистон”, “9672-лотерея чиптаси”, “Яшил нур” асарлари ана шу саёхат таассуротлари асосида ёзилган.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, китоблари бошқа тилларга таржима қилиниши бўйича Жюл Верн дунё бўйича Агати Кристидан кейин иккинчи ўринда туради, у илмий фантастика жанри асосчиларидан ҳамдир. Адиб ғаройиб ҳодисалар, жуғрофий тадиқотларни илмий-оммабоп тилда маҳорат билан тасвирлаган. Жюл Верн ва Оронора хоним никоҳидан туғилган ёлғиз ўғил Мишель кинематография билан шуғулланиб, отасининг “Сув остида 80000 километр”, “Жан Морен қисмати”, “Қора Хиндистон”, “Жануб юлдузи”, “Беш юз миллион бегум” каби асарларини экранлаштирган.

Жюл Верн Марказий Осиёга ташир буюрмаган бўлсада, “Клодиус Бомбарнак” романида минтақа тарихи, жуғрофий ўрни ва иқлимини, маҳаллий халқлар урф-одатини ҳақиқатга яқин қилиб тасвирлаган. Асар қаҳрамони тилидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари тасвирга тўхталган. Бухорога “Туркистон Рими” дея таъриф бериб, Самарқанднинг тарихий обидалари, кўча ва маҳаллалари, боғ-роғлари, одамларини тилга олади.

Ойдаги диаметри 143 километрик кратер, биринчи автоматик юк космик кемаси, Эйфель минорасидаги ресторон машҳур адиб номи билан аталади.

СИЗНИ СОҒИНАМАН

ларнинг қувончига- қувонч қўшилди. Момақалдиқ овози ернинг ёқасини чок қилиб ниш урган илк баҳор лоласидек дилбар ва дилкаш йигит-қизлар юрагининг қалтироғи бўлиб туюлди менга. Меҳримиз, садоқатимиз тимсоли каби ёмғир томчилари ҳам ҳар апроқ, ҳар дарахнинг юзларини сийпаб ўз дасхатини қолдираётган, хайр-хўш қилаётгандек эди...

Бу айирув, йўқ, йўқ узоклашув дақиқалари бизни тобора яқинлаштирар, бир-биримизга айтадиган гапларимиз кўпу лекин имкониини тугдирай демасди. Она замин ҳам илм-маърифатга ташна боладай ёмғир томчиларини бағрига сингдиришдан чарчамади. Узокдан пинҳона тикилаётган жуфт оқуш — курсдошлар учун энди изхори дилнинг кераги йўқ... Сабри метиндан, меҳри қўшдан, қаҳри зимистондан, илми Афло-

ки, энди тақдир чизиклари айро йўлларга бошласа...

Аслларга дилдош, наслларга елкадош бўлган улғу даргоҳ — университетим! Бўйу-басти, ақлу-заковати, залворли ўтмишию порлоқ келажаги билан жаҳонга бўйлаша оладиган улкан илму-урфон ўчоғи. Сен салкам бир аср давомида не-не қабу-тарларни учирма қилмадинг, уларнинг қувончу шодлик, айрил-лаб изтироб тўла нигоҳларининг ҳалқа-халқа томчиларини бағрингга сингдирмадинг... Одаимийлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини қўлимиздаги дафтарга ёздириб, қалбимизга муҳраб қўйган, сен эмасми? Сен эмасми, қишлоқча тафаккуримизга илм булоғидан сув қуйиб, қуёшга юзлаштиргани? Аслида ҳақиқий ҳаёт сабоғини ўргатган, қалбимизга ўзлиқни англашга йўл очган ҳам

қоларли даражада сабаблар ихтиро қилдик ва ўқитувчини “ишонтирдим” дея гурурланиб ҳам қўйдик. Айрим маърузаларда наздимизда “устоз пайкамайд” деган “худоуларга” ўтиб мизгиб ҳам олдик. Эҳ, талабалик! Сен билан ўтган ҳар бир лаҳзанинг шўхлиғи шаддодлиги, машаққат-тию қувончлари хотирамиз қатла-рига яширинди. Улар кўрганда эслаш учун эмас, эслаганда хоти-рлаш учун мангула муҳрланди.

Қишлоғимизнинг қоқ марка-зида катта ариқ бўйида шохлар-ни эгилган кекса мажнунтол бор.

Гулчехра АШУРОВА,
ЎЗМУ ўзбек филологияси
факултети битирувчиси

МУАССИС:
ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожддин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 17.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 6841 Буюртма Г — 658. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

